Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

24 ДЕКАБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЖУМА № 293 (2.699). Баҳоси 3 тийин.

БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАТОРИ СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ССР ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚУШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА ЮРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВ ДОКЛАДИНИ, СЎЗГА ЧИҚҚАН НОТИҚЛАР НУТҚИНИ ВА ҚУШМА МАЖЛИСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТЛАРИ, ҲУКУМАТЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМАНИ ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР. УЛАР ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ВА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛИШГА, БУГУН КЕЧАГИДАН, ЭРТАГА БУГУНГИДАН УНУМЛИРОҚ ИШЛАШГА АҲД ҚИЛМОҚДАЛАР.

ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ВА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН

ДОН—БОЙЛИГИМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1983 йилда Қашқадарё области колхоз ва совхозларида дон етиштиришни кўпайтириш тадбирларини маъқуллади. Область ва район партия комитетларига қашқадарёликларнинг тадбирларини барча колхоз ва совхозларда кенг миқёсда муҳокама қилишни ташкил этиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумнинг йўл-йўриқларини эътиборга олиб, 1983 йилда дон етиштиришни анча кўпайтиришга доир ўз тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛДА ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ

ТАДБИРЛАРИ

Область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида муайян иш қилдилар.

Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларни анча ошириб бажарилди.

Колхоз ва совхозлар 1982 йилнинг ҳаддан ташқари ноқулай иқлим шароитларига, сувнинг жуда камчил бўлишига, қурғоқчиликка қарамай, 350 минг тоннага яқин ёки ўнинчи беш йилликда йилига ўрта ҳисобда етиштирилганидан 23 минг тонна кўп дон етиштирдилар. Давлатга дон сотиш топшириғи бажарилди, 120 минг тонна дон топширилди.

35 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 70 центнер маккажўхори дони йиғиштириб олган область маккажўхорикорлари катта муваффақиятларга эришдилар. Қамаши ва Косон районларининг хўжаликлари гектар бошига 75—80 центнер маккажўхори дони етиштириб олдилар. Янги ташкил этилган еттита маккажўхорикорлик совхози мўл ҳосил олди.

Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитети КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумининг қарорларини амалга ошириб, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари билан биргаликда область колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Донининг ялпи ҳосилини 1983 йилда 550 минг тоннага етказиш ёки аввалги йилга нисбатан 200 минг тонна кўпайтириш белгиланди. Камида 280 минг тонна маккажўхори дони етиштирилади.

Дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган режанинг бажарилиши экинзорларни кенгайтириш ҳисобига ҳам, шунингдек ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ҳам таъминланади. Донли экинлар экиладиган майдон анча кўпайтирилиб, салкам 305 минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган ерларда доили экинзорларни 75 минг гектарга етказиш, шундан 40 минг гектарига ёки 1982 йилга нисбатан 5 минг гектар кўп ерга дон учун маккажўхори экиш белгиланди. Ўрта ҳисобда донли экинлар ҳосилдорлигини гектар бошига 18 центнерга, суғориладиган ерларда 46 центнерга, шундан маккажўхори ҳосилдорлигини 80 центнерга, ихтисослаштирилган совхозларда эса гектар бошига 90 центнерга етказиш мўлжалланди.

Лалмикор зонадаги галлакор хўжаликлар дон етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшишлари керак, бу ерда дон ҳосилдорлигини кўпайтириш учун деҳқончилик маданиятини оширишга асосий эътибор берилади. Область галлакорлари 265 минг гектар ерга кузги дон экиндларини, шундан 40 минг гектар шудгор қилиб дам бериб қўйилган ерларга кузги дон экиндларини энг яхши агротехника муддатларида экиб олдилар. Эрта кўкламда ҳамма галлазорларга минерал ўғит солинади. Ҳар гектар ерга 40 килограмм азот ва шунча миқдорда фосфор ўғит солиш белгилаб қўйилди.

Бегона ўтларга қарши курашиш ва цупроқдаги намни сақлаб қолиш мақсадида ҳамма кузги галлазорларда оммавий бақкилаш даврида бороналаш ўтказилади. Баҳори арпа ва буғдойни суғориш учун сел ва қор сувидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш тадбирлари амалга оширилади. Ҳамма колхоз ва совхозларда деҳқончиликнинг илмий асосланган системаси жорий этилади. Бунда тоза шудгорларнинг энг мақбул улушига риоя этилиб, алмашлаб экишни ҳамма жойда жорий қилишга алоҳида эътибор берилади.

Суғориладиган ерларда бошоқли экиндар етиштиришга муҳим аҳамият бериб, келгуси йилда салкам 35 минг гектар ер, шундан буғдой ва арпанинг ўзини экиш учун 23 минг гектар ер ажратиб қўйилди. Бу экиндар ҳосили ўриб олинганидан кейин, бутун майдонга такрорий маккажўхори экилади. Пландаги буғдой ва арпа ҳосилини олиш учун суғориладиган ерларнинг ҳар гектарига камида 80 килограмм азот, 60—70 килограмм фосфор ўғит солинади. Қиш ва эрта баҳор фаслларида, бир неча марта яхшилаб суғорилади.

Дон учун маккажўхори етиштириш ўтган йилларда бўлганидек янада ривожлантирилади. Белгиланган мўл ҳосилни олиш мақсадида бу экин ҳамма хўжаликларнинг ихтисослаштирилган маккажўхорикорлик бригадаларида, шунингдек ихтисослаштирилган маккажўхорикорлик совхозларида етиштирилади. Шу совхозларда олти далага маккажўхори ва уч далага беда экиладиган тўқиз далали алмашлаб экиш жорий этилади. Келгуси йилда бу хўжаликлар илғор тажриба мактаби бўлиб қолади. Маккажўхори яхшилаб ишланган тупроққа қисқа муддатларда 15 мартгача аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар ёрдамида экилади. Экиш билан айни бир вақтда ҳар гектар ерга 65—70 килограмм аммиакли селитра ва 135—150 килограмм суперфосфат, шунингдек гербицид солинади.

Экиндарни парвариш қилиш —қатор ораларини юмшатиб, айни вақтда ўғит солиш, бачки шохларни чилпиб ташлаш, суғориш ишларининг сифатини анча ошириш ва бу ишларни ўз вақтида ўтказиш белгиланди.

Беш йилликнинг шу ва бундан кейинги йилларида дон экиндари уруғчилигини яхшилаш масалаларига ва биринчи класс ҳамда юқори репродукцияли уруғлар экишга алоҳида эътибор берилади. Барча галлакор колхоз ва совхозларда йил сайин ўзлари етиштирган уруғликни зарур миқдорда гамлаб олиш учун уруғлик участкалар ажратиб қўйиш тартибига қаттиқ риоя этилиши таъминланади.

Бошоқли дон экиндари ва маккажўхори ҳосилини муваффақиятли равишда ўз вақтида йиғиштириб олиш учун дон комбайнларини ва дон қуритиш машиналарини 15 мартгача. маккажўхори ҳосилини йиғиштириб берадиган комбайнларни 1 майгача ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйиш белгиланди. Бошоқли экиндар ҳосилини 10-15 кун ичида, маккажўхори ҳосилини эса 8—10 кун ичида йиғиштириб олиш планлаштирилмоқда, бунинг учун агрегатларнинг икки сменали ишлаши ташкил этилади.

Барча колхоз ва совхозларда иқтисодий ишни яхшилашга, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга, дон етиштириш рентабеллигини ва маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор берилади.

Область партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари кадрлар —галлакорлик, айниқса маккажўхорикорлик бригадаларининг бошлиқларини танлаш, уларнинг ўқишини январь —февраль ойларида илғор хўжалик ва бригадалар базасида ташкил этиш масалаларига катта эътибор бермоқдалар.

Область колхоз ва совхозлари белгиланган марраларга эришишда мусобақа ташкил этишнинг ғоят муҳим аҳамиятини назарда тутиб, тупроқни тайёрлаш, уруғ ташлаш, экиндарни парваришлаш, дон ҳосилини қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай йиғиштириб олиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун бригадалар, звенолар ўртасида социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар.

Тадбирлар область қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгашида муҳокама қилиниб қабул этилди.



Ю. В. Андропов

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантаналар республикамиз меҳнаткашларини янги зафарлар сари чорлаяпти. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Юрий Владимирович Андропов, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантаналар республикамиз меҳнаткашларини янги зафарлар сари чорлаяпти. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали докладидан келиб чиқадиган хулосалар, йўл-йўриқ ва вазифаларни барча меҳнат аҳли жанговар иш программаси сифатида қабул қилди. Бу ҳужжат ҳамма жойда пухта ўрганилмоқда. Чунончи, «Ташсельмаш» заводининг аҳил коллективи ҳам ҳужжат матбуотда эълон қилинган кундаёқ ўргана бошладилар. Улар бу илҳомбахш ҳужжатга жавобан янада баракали ишлашга аҳд қилдилар.

СУРАТДА: завод пайвандлаш цехининг пропагандисти Абдунаби Эргашев ишчилар даврасида тантанали мажлис ҳужжатлари ҳақида суҳбат ўтказмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ

Кўп миллатли ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов докладини биз Коммунистик партиямиздан, Совет ҳукуматимиздан, уларнинг тинчликсевар сиёсатидан фахрланиш ҳис-туйғулари билан кутиб олдик. Олтмиш йил мобайнида коммунизм қурилишида эришилган улкан муваффақиятлар бизларни қувонтирмоқда ва илҳомлантирмоқда. Бизнинг жонажон Ўзбекистонимиз ҳам кардош республикалар дўст оиласида янада равнақ топди. Давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини бундан бўён ҳам мустаҳкамлашни биз ўзимизнинг энг муҳим бурчимиз деб биламиз.

Юрий Владимирович Андроповнинг давлатимиз тинчлик ва тараққиётнинг мустаҳкам таянчи эканлиги ва сулҳ тўғрисидаги фикрлари унинг дастлабки ҳужжатларидан бири бўлганлиги ҳақида Кремлнинг съездлар саройидаги минбарда туриб айтган сўзлари бутун дунёга янгради.

Мен фарзандларим тинчлик шароитида ўсиб улга бораётганлиги, билим олаётганлиги, меҳнат қилаётганлиги учун, биз оналар ҳақида, бизнинг оналаримиз ҳақида ғамхўрлик қилинаётганлиги учун партия ва ҳукуматдан астойдил миннатдорман. Биз хотин-қизлар бу ғамхўрликка фидокорона меҳнат билан жавоб берамиз, фарзандларимизни Советлар мамлакатининг муносиб граждани қилиб тарбиялаш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Б. ОТАУЛЛАЕВА,

Қаҳрамон она, «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

Ҳўжалигимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар. Давлатга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш йиллик планлари муддатидан илгари знёдаси билан адо этилди. Қувончлиси шуки, кейинги йилларда партия кўрсатмалари асосида иш юритиб, жамоат чорвачилигини ҳам изчил ривожлантиришга эришиб келмоқдамиз. Бу йил давлатга 427 тонна гўшт, 218 минг дона тухум ҳамда кўплаб сут етказиб бериш мажбурияти олинган эди. Азамат чорвадорларимиз мажбуриятга яраша ишлаб, эл-юрт олдида берган ваъдани шараф билан бажардилар.

Совхозимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Юрий Владимирович Андроповнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида қилган докладини эътибор билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Докладда босиб ўтилган йўл якунлари ҳамда галдаги муҳим вазифалар эътиборга олинмоқда.

«Совет кишиларини ўзаро ҳурмат ҳамда мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг дўстлиги, ўз улуғ Совет Ватанига муҳаббат, интернационализм, бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан бирдамлик руҳида тарбиялаш — аҳамияти ўзгармайдиган, доимий вазифадир, — деб таъкидлади ўртоқ Ю. В. Андропов. — **Бу вазифани барча партия ва комсомол ташкилотлари, советлар ва касаба союзлари... ҳал этишлари керак».**

Совхозимиз партия комитети ана шу йўл-йўриқлар асосида галдаги иш режаларини пухта белгилаб олмоқда. Кўп сонли идеология жангчиларимиз чорвадорлар, деҳқонлар ҳузурида бўлиб, кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Айниқса, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Найни Маматқодиров, шунингдек, Пўлат Қўлдошев, Исмоил Расулов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда кўп миллатли кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

1983 йилда хўжалигимиз меҳнаткашлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Биз бебаҳо бойлигимиз — кишиларимиз ўртасидаги метиндек мустаҳкам дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкам қарор топтириб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш янада кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, пировард натижа — СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб улуш қўшиш учун барча имкониятларни ишга саларамиз.

Х. ҚУЛДОШЕВ,

Кўрғонтепа районидаги «Саваи» совхоз-техникуми партия комитетининг секретари.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

СССРнинг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг доклади хўжалигимиз меҳнаткашлари орасида катта қизиқиш уйғотди ва уларнинг меҳнат активлигини янада оширди. Дарҳақиқат, халқлар дўстлиги ва қардошлиги буюк қучдир, мамлакатимиз шу қардошлик қонуниятлари асосида равнақ топиб, турмушимиз янада фаровонлашиб, маданиятимиз юксалиб бормоқда.

«Ҳозир бутун мамлакат Озиқ-овқат программасини бажариш устида ишламоқда, — деб таъкидлади ўртоқ Ю. В. Андропов. — Программада барча иттифоқдош республикалар учун конкрет вазифалар аниқ равшан белгиланган. Бинобарин, уларнинг ҳар бири яқин вақт ичидаёқ совет кишиларини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлашдек жуда муҳим ишга реал ҳисса қўшиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилиши керак». Биз қишлоқ меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини бевосита амалга ошириш йўлида куч-ғайрат сарфлаётганлигимиздан фахрланамиз.

Айни шу кунларда кузги-қишки дала ишларини пухта амалга ошириш, келгуси йил мўл ҳосил учун замин яратишда колхозимизнинг барча меҳнаткашлари актив қатнашяпти. Чорвачилик фермаларида иш, айниқса, қизғин бормоқда. Сут соғувчилар ўз парваришларидаги сигирлардан ёз ойларидаги сингари мўл сут соғиб олиш, молбоқарлар эса жониворларни яхшироқ асраш, турли хил тўйимли озуқалар билан боқиш учун куч-ғайратларини аямаётирлар. Фермамизда чорва моллар учун старли ва хилма-хил озуқа жамғарилган. Биз бутун диққат-эътиборимизни гўшт, сут, тухум етиштиришни йил сайин кўпайтириб боришга қаратяпмиз. Барча пахтачилик бригадаларида чорва моллар асраш тадбирларини белгилаб чиқмоқдамиз, келгуси йилда амалга оширадиган ишларимизнинг замини мустаҳкам. Биз белгиланган тадбирларни албатта амалга оширамиз. Бу Озиқ-овқат программасини ҳал қилишга бизнинг қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Бу йил пахта йиғим-терими республикамизнинг барча меҳнаткашлари учун катта синов бўлди. Биз кам ҳосилли ва тошлоқ ерларнинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта йиғиштириб олдик. Келгуси йили эса ҳосилдорликни 35 центнерга кўтаришни планлаштирдик. Айни пайтда чорва моллар бош сони, улардан олинадиган маҳсулот ва давлатга гўшт, сут, тухум етказиб бериш анчагина кўпайтирилади.

Х. ОТАБОЕВ,

Фарғона область Олтиариқ районидаги «Москва» колхози ранси.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги раҳбар ходимлар назарий семинарида 23 декабрь куни навбатдаги машғулот бўлиб ўтди.

Иқтисод фанлари доктори, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг профессори А. З. Селезнев «КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида партия иқтисодий сиёсатининг актуал масалалари» тўғрисида лекция ўқиди.

(ЎзТАГ).

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Барча касбдошларим, кўпчилик қатори мен ҳам партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида қилган докладини Мароқ билан тингладим. Докладда мамлакатимизнинг ўтган 60 йил мобайнида босиб ўтган йўли ва миллий сиёсат соҳасидаги вазифалари, шунингдек тинчликни сақлаш ва бундан бўён янада мустаҳкамлаш борасидаги амалга ошираётган тадбирларимиз ўз аксини топган. Ленинча миллий сиёсатнинг барча соҳадаги ютуқ ва галабаларимизни таъминлашда етакчи куч, бош омил бўлганлиги ҳам ўринли уқтириб ўтилган. Иттифоқ ва Автоном республикаларнинг кўп миллатли состави шароитида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ниҳоятлик ва маъновий-сиёсий фазилатларни эътиборга олиш, диққат билан ғамхўрлик қилиш, ғоят эҳтиёткор бўлиш айниқса зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Ю. В. Андропов томонидан ўтган 60 йил мобайнида эришилган муваффақиятларимиз билан бирга навбатда амалга ошириладиган вазифаларимизнинг конкрет, лўнда-лўнда қилиб баён қилинганлиги менга, айниқса, маъқул бўлди. Чунончи, докладда: Бутун идеологик ва оммавий-сиёсий иш каби интернационал тарбия соҳасида ҳам олдимизда катта-катта вазифалар турибди. Ютуқларимизни ишонарли тарзда конкрет кўрсатиб бериш, ҳаётда доимо вужудга келиб турган янги проблемаларни жиддий таҳлил этиш, янги фикр ва сўз айтиш ...—ҳамиша ҳақконий ва реалистик, шунингдек мароқли, тушунарли, бинобарин, янада таъсирчан бўлиши лозим бўлган бутун пропагандамизни такомиллаштириш йўли мана шундан иборат», —деймиз. Бу сўзлар ғоявий-сиёсий соҳада иш олиб борувчи хилма-хил касб эгалари сингари биз — ёзувчилар, ижодкорлар зиммасига ҳам янада катта масъулият юклайди. Негаки, ёзаётган ҳар бир асаримизнинг тили содда, равон, жозибадор бўлишидан ташқари, унинг ғоявий-бадиий савияси ҳам юксак бўлишини даврамиз такозо этмоқда. Шундай экан, биз, қаламкашлар ҳам янги яратилажак асарларимизда ишчи, зиёли, пахтакор-деҳқон, яйлов боқиндилари ва умуман, замонамиз қаҳрамонларининг образларини китобхон кўз ўнгида янада жонли, табиий ва ёрқин гавдалантиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Токи ҳар бир ҳикоя, қисса, роман, шеър ва достонларимиз ўқувчини тўлқинлантирсин, қаяжонга солсин ва уни янги-янги меҳнат муваффақиятларига даъват этсин.

Ҳаким НАЗИР,

ёзувчи, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

ЛЕНИНЧИ ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

23 декабрь куни Тошкентда очилган республика илмий-амалий конференциясининг қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида хунар-техника билим юртларида ишлаётган фанларни ўқитиш методларини янада такомиллаштириш йўлларини муҳокама қилмоқдалар.

Докладлар ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, социализмнинг ҳаққонийлиги ва енгилмаслигига ишончи комил бўлган, ўзининг бутун билими ва ғайрат-шижоатини коммунистик жамият қурилиши ишига бағишлайдиган марксчи-ленинчиларни, ватанпарвар интернационалистларни тарбиялаш— ўқитувчиларнинг энг асосий вазифасидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган доклад педагоглар учун янги аниқ-равшан йўл-йўриқ бўлиб хизмат этажаги конференцияда таъкидлаб ўтилди.

Конференция иши программасига мувофиқ секция мажлислари ўтказилади, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишиб чиқилади.

(ЎзТАГ).

ИНСТИТУТ БАЙРОҒИДА ОРДЕН

Республикадаги энг кекса олий ўқув юртларидан бири — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти эллик ёшга тўлди. Шу йиллар мобайнида ишлаб чиқариш учун бу ерда 22 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди. Улар Ўзбекистон, мамлакатимизнинг бошқа қардош республикалари корхоналарида самарали меҳнат қилмоқдалар. Институтда ўн тўрт чет мамлакатдан келган студентлар ҳам совет йигит-қизлари билан бирга таълим олмоқда. Малакали мутахассислар тайёрлашдаги ҳамда илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришдаги хизматлари учун институт Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов 23 декабрь куни тантанали вазиятда ордени институт байроғига қадаб қўйди.

Сўзга чиққан кишилар институт коллективи мана шу юксак мукофотга жавобан КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини ижодий амалга ошириш учун қўшаётган ўз ҳиссасини кўпайтиради, деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН-82» МАВСУМИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

БАЛЛИ СЕНГА, ЖОН-АНДИЖОНИМ!

ЕТУКЛИК ИМТИҲОНИ

Халқимизнинг бу йилги жасоратли, айни пайтда машаққатли меҳнатига ҳар қанча шараф айтса арзийди. Ёз ойларида ҳарорат ҳаддан зиёд кўтарилиб кетди. Куз фасли қисқариб, қиш бир ой олдин келди. Ҳосилнинг кўпчилик қисми қор остида қолди. Лекин меҳнаткашларимиз барча оғирликларни мардонавор енгиб ўтдилар. Табиатнинг шиддатли ҳамласига ўзларининг матонат ва жасоратларини, уюшқоқлик ва сафарбарликларини қарамақарши қўйдилар. Серқуёш республикамизнинг 6 миллион тоннадик улкан хирмони бунёд этилди. Мана шунинг 586 минг тоннасини Андижон меҳнаткашлари етказиб бердилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш юзасидан олинган мажбуриятларини бажарганликлари муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг табригида шундай дейилади: **«Эришилган муваффақиятлар — КПСС аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг, пахтакорлар меҳнати ўсганлигининг, қишлоқ хўжалиги, тайёрлов ва транспорт корхоналари пахта ишлаганлигининг, республика партия ташкилоти зўр ва собиқадам ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий иш олиб борганлигининг натижасидир».**

КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга оширишдек ягона мақсад туйғуси областимизда истиқомат қилаётган ҳар бир меҳнат аҳлига катта масъулият юклади. Чигит экиш, ғўза парвариши, пахта йиғим-терим кампанияларидаги ҳамма ишлар миллионлар иноди бўлган социалистик мусобақа асосида ташкил этилди.

Бу йил умумий майдоннинг 83 минг 557 гектарига чигит кенг катарлаб экилди. 19 минг 153 гектар ерда эса чигит пуштага экилди. Қариб 72 минг гектар майдонга тунсизлантирилган чигит уяларга аниқ ташланди. Экиш билан бир вактда 165 минг 133 гектар майдонга минерал ўғит солинди, 67 минг гектарида эса гербицидлар қўлланилди. Уруғни бир текис ва соғлом ундириб олиш максадида 134 минг гектар майдонда биостимулятор ва қахрабо кислотаси ишлатилди.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига карши қурашнинг биологик методи кенг қўлланилди. 4 та биофабрика, 30 та биолаборатория ишлаб турди ва 371 минг гектардан зиёд майдонда ҳашаротга карши мана шу усулда курашилди. Бу метод катта иқтисодий самара берди. Хуллас, йил бўйи қилинган катта меҳнат, бой тажриба, илғор фан ютуқлари, юксак агротехника шу асосда меҳнатни илмий ташкил этиш, хўжаликка рақобатни қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш мутахассис кадрларни тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш, меҳнаткашларни социалистик мусобақага оммавий жалб этиш туфайли зиммадаги мажбуриятни тўла адо этадиган даражадаги ҳосил яратилди.

Барча даврларда бўлганидек, пахта йиғим-терими пайтида ҳамма ишда сифат ва самарадорликка эришиш ҳар дақиқа кун тартибида турди. Область партия ташкилотлари йиғим-терими уюшқоқлик, сафарбарлик ва тез суръатлар билан олиб боришнинг изчил тадбирларини амалга оширдилар. Бутун дала ишлари шатоволикларнинг илғор иш усуллари асосида ташкил этилди. Бу даврда 2,5 мингта якин терим машинаси, 1200 га якин кўсак узиш ва чувиш машиналари, 7 мингта прицеп ва бошқа турдаги механизмлардан унумли фойдаланилди.

Илғор тажрибаларни, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадиллик билан татбиқ этган районлар, хўжаликлар, бўлим ва бригадалар маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Юксак агротехникани дастуриламал қилиб олган, меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системасига ўтаётган, тажрибада илмий ва амалий исботини топган «Тошкент технологияси»ни қўллаган Москва районидаги пахтакорлари областда биринчи бўлиб йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажардилар. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган асаклик, марҳаматлик, бўзлик, андижонлик пахта усталари социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар. Андижоннинг улкан хирмонига Баликчи, Пахтаобод, Олтинкўл, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Жалолқудук, Комсомолобод районлари меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Маълумки, бу йилги мавсум ниҳоятда мураккаб келди. Мана шу мураккабликларнинг шарт-шароитларини олдиндан ҳисобга олган, имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилган, барча дала ишларини қатъий график асосида юргизган, меҳнаткашларнинг уюшқоклиги ва сафарбарлигини таъминлаган, уларга бутун шароитларни яратиб берган, партиявий талабчанлик, принципиаллик, ташаббускорликни кўлдан бермаган хўжаликлар мана шундай мураккаб йилда ҳам пахта ҳосилдорлигини кескин оширдилар.

Бўз районидаги Энгельс номли колхоз миришкорлари ҳосилдорликни 47,1 центнерга етказишга муваффак бўлдилар. Шу райондаги «Ленинизм». Пахтаобод районидаги Ёкубов номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Избоскан районидаги «Партия XX съезди», Баликчи районидаги «Партия XXV съезди» колхозларида ҳар гектар майдондан 42—44 центнердан кимматбаҳо хом ашё олинди.

Ташаббускор бўлим ва бригадаларнинг эришган меҳнат ютуқлари айниқса қувончлидир. 45—50 центнерчи бригадалар сафи янада кенгайди. СССР Олий Советининг депутати Офтобхон Турғунова, СССР Давлат мукофотининг лауреати Тўланбой Халилов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Саодат Мўйдинова, Искандар Ёкубов, Қобилжон Мирзаев, Исомиддин Арабов, Абдувахоб Кўчқоров, Хасанча Аҳмедов, Ширмонхон Саломова ва Комилжон Жабборовлар етакчилик қилишган бригадаларнинг азамат деҳқонлари областимиз шарафини қатъий туриб ҳимоя қилдилар. Ўзаро мусобақада ҳам, йиллик планни, социалистик мажбуриятни бажаришда ҳам биринчилардан бўлдилар.

Мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштириш, уни қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай, сифатли йиғиштириб олишда механизаторларнинг ҳиссалари катта бўлди. Бу йилги матонатли меҳнат ҳақида гап кетганда шонли дала гвардиячиларининг жасоратли меҳнатларини фахр ва ифтихор хисси билан тилга оламиз. Механизаторлар машиналар кудратини намойиш этиб, терим суръатига-суръат қўшдилар. Мамазокир Қодиров, Тўлан Бозоров, Неъматжон Носиров, Бахтиёр Солиев, Одилжон Имомов, Ҳасан Мўминов ва бошқа юзлаб суворийлар унумли меҳнат намунасини кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бирлари мавсумда ўз машиналари бункерларидан 250—300 тоннаданга етказиб пахта тўкдилар. Мана бугун областимиз хирмонида уларнинг ҳиссалари яркираб турибди.

Облатимизда кўпмингкилограммчилар ҳаракати ҳеч қачон бу йилгидагидек кенг қулоч ёзмаган. Мавсум бошидаёқ Москва районидаги «Октябрь» колхозининг теримчилари — опа-сингил Раъно ва Фарогат Абдуллаевларнинг ҳар бири 15 тоннадан «оқ олтин» териб бериш ташаббуси билан мардонавор чиқдилар. Бу ташаббусга областимизнинг 200 дан зиёд кўпмингкилограммчи теримчилари қўшилишди. Ташаббус ҳақида гапирганда пахта далаларини жасоат майдонига айлантирган 521 комсомол-ёшлар бригадаларининг тахсинга сазовор ҳимматларини алоҳида таъкидлаймиз.

Зиммадаги юксак мажбуриятни бажаришда ишчи ва хизматчилар, шаҳарликлар, қишлоқ зиёлилари, сув хўжалиги ходимлари, олий ўқув юртларининг студентлари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, савдо, медицина, маданият муассасаларининг коллективлари олий ҳимматлик бурчларини сидқидиллан, шараф билан адо этдилар. Улар пахтакорлар билан бир сафда туриб ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Маълумки, оммавий-сиёсий ишлар жанговарлиги кучайган жойда иш унуми ҳам, сифати ҳам ортади. Ҳосилни қисқа муддатда, нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш идеология ходимлари учун ҳам катта синов бўлди. Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар долзарб кунлар талаби асосида ташкил этилди. Агитаторлар, пропагандистлар, «Билим» жамияти аъзолари, сиёсий докладчи ва сиёсий ахборотчилар жанговар сўзлари билан теримда иштирок этаётганларни зафарлар сари илҳомлантириб турдилар.

Ўзаро мусобақа, илғор тажрибаларни ўрганиш, камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уни бартараф этиш ютуқларимиз омилларидан бири бўлди. Шу нуқтаи назардан пахтакорларимиз эришган меҳнат ғалабасида қардош Қирғизистон ССРнинг Ўш, Тожикистон ССРнинг Қўрғонтепа ва қўшни Наманган областлари пахтакорлари вакилларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар ўзларининг қимматли ва дўстона маслаҳатлари билан ишимизга беминнат ёрдам бердилар.

Бугун шу нарсани қувонч билан айта оламизки, областимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили план-топшириқларини тўла бажардилар. Нилла, дон, сабзавот, мева, полиз, тухум, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планлари ҳам ортғи билан адо этилди. Чорвадорларимиз маҳсулот етиштиришни бултургига нисбатан анча кўпайтирдилар ва учинчи квартал якунлари бўйича республика мусобақасининг голиби бўлдилар. Бу ютуқлар областимиз меҳнаткашларининг СССРнинг 60 йиллик олтин тўйига муносиб армуғони бўлди. Андижоннинг ҳар бир меҳнат аҳли бу йилги ярода имтиҳонидан муваффакиятли ўтганликлари билан ҳақли равишда фахрланса лар арзийди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май, ноябрь Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг сермазмун нутқи, КПСС Марказий Комитетининг республикамиз деҳқонларига юборган табриги областимиз меҳнаткашларини янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирмоқда. Коммунистик партиямиз мамлакатимизнинг 1983 йилги иқтисодий ва социал ривожланишининг кенг кўламдаги программасини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишнинг конкрет йўл-йўриқларини кўрсатиб берди.

Бу истиқбол программаси областимиз меҳнаткашлари зиммасига ҳам ғоят шарафли ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Ҳеч шубҳа йўқки, область партия, совет, комсомол ташкилотлари, бутун меҳнаткашларимиз мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида Коммунистик партиямиз белгилаб бераётган улуғвор вазифаларни бажариш учун бутун куч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини, тажриба ва ташаббусларини сафарбар этадилар.

Ш. НУЛЧИЕВ,
Андижон область ижроия комитети раиссининг биринчи ўринбосари.

Механизациялашган комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Бахтиёр Солиевнинг номини Бўз районидаги «Ленинчи» совхози коллективи алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Моҳир механизатор ота изидан бориб, ажойиб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқда. Ёш пахтакорнинг муваффақиятида отаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуфаттоҳ Солиевнинг ҳам ҳиссаси катта. Бу йил Бахтиёр бошлиқ коллектив ҳар гектар ердан планда белгиланганидан 5 центнер кўп пахта топширишга эришди.

В. ЛЕДЕНОВ фотоси.

Москва районидаги «Победа» колхози з а р ш у нослари бу йил «оқ олтин»дан катта хирмон уйдилар. Хўжаликда барча деҳқончилик ишлари омилкорлик билан амалга оширилди, меҳнатни ташкил қилишнинг янги формаларидан самарали фойдаланилди. Бу ишда колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р. Жўраева актив фаолият кўрсатди. Шунинг учун ҳам колхоз пахтакорлари СССРнинг шонли юбилейига муносиб совға билан келдилар.

Авазхон Мусурмонқулова Бўз районидаги Энгельс номли колхозда кўп йиллардан бери агроучасткага бошчилик қилиб келмоқда. У раҳбар бўлган коллектив пахтакорлари юбилей йилида ғайрат ва жасорат билан меҳнат қилмоқдалар. Деҳқонлар қийин об-ҳаво шароитига қарамасдан, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни 3—4 центнерга оширишга муяссар бўлишди.

У. Раҳимов фотолари.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШДИ

Областимиз пахтакорлари катта зафар қучдилар. Бу йилнинг машаққатлари Андижон деҳқонлари бардошини яна бир карра синовдан ўтказди. Тайёрлов пунктларига сўнги тонналари қор остидан териб олиб жўнатдик. Қувончлиси шунда бўлдики, бир миқол пахта ҳам ерда қолмади. Мана шу жасоратли меҳнатда асаклик миришкорларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Районимизда ҳар гекар ердан 40,6 центнердан, колхозимизда эса 42,1 центнердан ҳосил олинди.

Бизнинг аҳил коллективимиз ҳам бу йил мардонавор меҳнат қилди. Ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Зиммамиздаги социалистик мажбуриятни қоплайдиган ҳосил яратилди. Пахта йиғим-терими даврида сифатга алоҳида эътибор бердик. Пировард натижа шу бўлдики, деҳқонларимиз 158 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил кўтардилар. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга сотилди.

Бригадамиз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ёрқин нутқидан илҳомланиб, келаси йил ҳосилнинг пухта замининн яратишга киришдилар.

Қ. МИРЗАЕВ,
Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОР

Институтимиз коллективи йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ пахтакорлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилди. Бутун куч ва ғайратларини деҳқонларимизнинг пешона тери, меҳри билан яратилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга сафарбар этди. Бўз районининг колхоз ва совхозлари пахтазорларида студент ва ўқитувчилардан иборат 1100 нафар киши теримда қатнашди. Улар хирмонга 3800 тонна жавоҳир тўкдилар.

Студентларимиз пахта йиғим-терими даврида социалистик мусобақада фаол иштирок этдилар. Терилган пахта ҳар бир кишига ўртача 3,5 тоннадан тўғри келди. Муфаззал Абдуллаева, Холида Авлиёева, Мартабо Раева, Камолиддин Давлатов, Дилором Мирзаева, Ҳадяхон Нишонова, Қобилжон Пирматов, Тожихон Болтаева сингари илғорларимиз ўз ҳисобларини 5—9 тоннаданга етказдилар.

Коллективимиз Коммунистик партия белгилаб бераётган истиқбол программасини амалга оширишда фаол иштирок этаверадилар, назарий билимларини ошириб чиқариш билан ҳар томонлама боғлаганлари ҳолда чуқурлаштириб бораверадилар.

А. ҚОСИМОВ,
Андижон педагогика институтининг ректори, профессор.

ҚУТЛОВЛАР

Москва районидаги «Октябрь» колхозининг теримчилари опа-сингил
Раъно ва Фарогат АБДУЛЛАЕВАЛАРга

Шаҳрихондан учиб чиқди бир жуфт юлдуз самога,
Ҳира тортиб кетдилар-ку осмондаги юлдузлар.
Ўзбек қизин таниндингиз яна бир бор дунёга
Мақтансангиз ярашди бугун қоши қундузлар.

* * *

Бўз районидаги «Ленинчи» совхозининг механизатори **Бахтиёр СОЛИЕВга**

Қаҳрамоннинг ўғли бўлмоқ ўзи ахир шараф-шон,
Ота мерос суворийлик, парвозингиз муқаррар.
Уч юз тонна хирмонингиз Бўз бағридан армуғон,
Қутлуғ бўлсин бахтиёрлик, қутлуғ бўлсин илк зафар.

* * *

Баликчи районидаги «Пахтакор» колхозининг бригада бошлиғи **Ширмонхон САЛОМОВАга**

Баликчининг Ширмонойи ойдек кулиб келади,
Ман-ман деган полвонларни уйлтирган Барчиндай.
Далаларда субҳи саҳар сабосидай елади,
Марра сари учиб борар, қаранг, худди лочиндай.

* * *

Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
Саодат МЎЙДИНОВАга

Пўшт-пўшт, қани, давраларни кенгроқ олинг тағин ҳам,
Олам унга ҳавас билан боқиб турар ушбу дам.
Томчи сувга зор адирга қийнитириб бақасам,
Марҳаматнинг сарвқомат Саодати келяпти.

* * *

Хўжаобод районидаги «Коммуна» совхозининг директори, Ленин ордени кавалери
Холмамат ЖЎРАЕВга

Хўжаободлик кимлигини дарҳол таниб оласиз.
Ўз сўзида қатъий турган Ҳолмамат полвонидан.
Қаранг дўстлар, олам-олам қувончларга тўласиз.
«Коммуна»лик азаматнинг кўтарган алвонидан.

СИЗ ШУНДАЙ ЯШАЙСИЗ

Мақтовнинг баҳоси арзон, ҳам мадан эшитиш мумкин. Камчиликни кўрсатиш эса ҳақиқий дўстлик.

— Тўғри айтдингиз, — директор фикрини қувватлайман.

Мана бир нафаслик суҳбатимиз орасида Ҳакимжон ака кимгадир топшириқлар берди, кимнидир тартибга чақирди, кимгадир йўл-йўриқлар кўрсатди, кимнидир район, кимнидир область ташкилотларига муҳим иш билан юборди. Лекин бирортаси бизнинг суҳбатимизга халал бермади. Бу орада директорнинг бирор марта қоши чимирилиб, қовоғи уйилмади. Унинг чеҳрасидаги ёрқинлик заррача ўзгармади.

Ҳакимжон ака қатор-қатор квартaлларни, шинам турaржой биноларини, сариштa, тоза асфальт йўлларни, маданият шоҳобчаларини, мактаб, боғча, шифохона биноларини, пахта майдонларини ялпи квадрат шаклига келтириб турган йўлларни кўрсатаркан заврқини босиб туролмади:

— Мана шундай яшаяпмизда, оғайни, ҳадемай шаҳарликлардан ўзиб кетамиз, — деб қўйди. Ҳакимжон акадаги бу завқ менга ҳам ўтган эди. Рост-да, мана шундай очиқ чеҳра бўлиб қувноб яшаганга нима етсин...

* * *

Ҳакимжон ака 9 Май куни ғалаба нашидаси билан жуда эрта ўрнидан турди. Бахор ҳавоси дилни аллалайди. Майин ел чорпоя атрофидаги гул ва райҳонларни муаттар бўйини димоққа сепиб ўтади. Ўша куни Ҳакимжон ака ҳамма бўлим ва бригадаларда бўлди, одамларни байрам билан табриклади. Идорага келганда негадир хира торта бошлади. Лекин бу ҳолатини ҳеч кимга билдирмади. Тўғрида, бугун байрам бўлса. Ҳандон урган чеҳраларга хижил кўриниш яхшимас.

Соат ўн иккилар эди. Шимолий шарқ томондан қопқора қуюн бостириб келарди. Ҳакимжон ака идорадан чиққанида бўроннинг биринчи зарбасига қалқон бўлган чинорнинг қарсиллагани эшитилди. Унинг қулоқлари битиб, кўзи кўрмай қолганга ўхшарди. Қаддини эгиб олдинга қадам ташладию, бўрон уни орқага тисариб юборди. Чиндан ҳам қуюннинг қалинлигидан на дарахтларни, на биноларни кўриб бўлади. Бамисоли океандан кўтарилган тўфон осмондан тушаётгандай эди.

Бироқ, Ҳакимжон ака ўзини тезда қўлга олди. У дала йўлида маст одамдай гандираклаб борарди. «Бу нима қилиқ, бу нима кўргилик», ғудраниб қўярди ўзига-ўзи. У 6-бўлимнинг Раймжон Мамадалиев бошлиқ бригадаси дала шийпонига кирганида ҳолдан тойганиданми гандираклаб кетди.

Бригада аъзолари шийпон ичига ғуж бўлиб тўпланиб ваҳимада қолган эди. Ҳакимжон ака оғзига тўлиб қолган қумни тупириб ташлади. Юз кўзини артиб одамларга таскин берди:

— Қўрқманглар, ўтиб кетади, — деб уларнинг хаёлини бўрон қўрқинчидан ажратмоқчи бўлди.

Лекин нимагадир ўзининг юрагидан бир нарса отилиб чиқиб, томоғига келиб қадалиб қолгандай бўлди. Бутун вужуди бирдан титраб кетди. Даҳшатли довул ҳайқириғи тобора авжга чиқиб борарди. Шийпон атрофини бўрон учирган қум босиб қолганди. У яна бор кучини тўплаб шийпон ёнидаги майдон томон юриб кетди. Унинг ортидан бригада бошлиғи Раймжон, бўлим бошқарувчиси Абдуғани акалар денгиз тубида бир-бирини кидираётган одамлардай қадам ташлашарди.

Тиз чўкиб олган Ҳакимжон ака бўрон тўхтовсиз учириб кетаётган тупроқни пайпаслар, омон қолган ғўзани кидирар, лекин панжалари тупроқдан бошқа ҳеч нарсага илинмасди. Ўн қадамча наридан бир туп ғўзани топди. Бироқ юлиб олишга қўли бормади. Баргини силамоқчи бўлган эди, кафтида қуритилган тамакига ўхшаш нарса қолди. Йўқ, Ҳакимжон ака буни кўзи билан кўрмасди. Буни титроқ қўллари орқали ҳис қилиб турарди. У дала шийпонига қайтиб кирмади. Бўрон босилгунча яп-ялонғоч бўлиб қолган даланинг ўртасида туразерди. Унда шундай бир қудрат пайдо бўлганидики, бўрон ўн чандон кучайганда ҳам уни турган ўрнидан қўзғатишга қурби етмасди.

* * *

Муҳаббати улуғ одамларнинг нафрат ва ғазаби ҳам шу қадар кучли бўлади. Ҳакимжон акани ана шунақа инсонлардан эканлигини эртаси — 10 май куни ўз кўзимиз билан кўрдик. Унинг бугдойранг юзи қорайиб кетган. Кўзлари назаримда катталашиб, бир лаҳча чўққа айлангандай. Биринчи қувноқликдан асар ҳам йўқ. Тамоман бошқа одамга айлангандай. Бу гал у кишининг бошқа бир фазилатини кўрдим. Заррача таҳликага тушмабди, эсанкираб қолмабди. Ўзини бамисоли ғолиб дивизиянинг қўмондонидек тутган. Сурма бульдозерлар дала йўлларини, қум, тупроқдан тозаляпти. Пешма-пеш қилинаётган чигит сеялкаларга етказиб берилиб турибди. Одамлар дала шийпонларини тозалаб, оқлашяпти.

4-бўлимнинг Исроил Имомов, 3-бўлимнинг Давлатали Дўсматов, 6-бўлимнинг Раймжон Мамадалиев, Абдусалом Ҳусановлар бошлиқ бригадаларидаги бутун майдондаги ғўзаларини бўрон учириб кетган. Ҳакам-дуккам қолганлари эса оловда куйгандай қовжираб қолган. Совхознинг жами 3150 гектар пахта майдонининг ярмида мана шундай аянчли манзара. Ғўзаларнинг олди шоналай бошлаган эди. Совхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун кураш бошлаган эдилар. Лекин улар оширилган мажбурият олишган эди.

Совхоздан қайтарканман юрагим ачишиб кетди. Энди экилаётган чигит қачон униб чиқадию, қачон шоналайди. Ахир кунларни, ойларни боғлаб қўйиш мумкин эмас-ку. Кўз олдимга қувноқ, хушчақчақ Ҳакимжон ака келади.

* * *

Билиб турибман. — Ҳакимжон ака билан ана шундан кейин яна учрашдингизми? — деб сўрамоқчисиз. Йўқ, учрашолмадик. Лекин учрашгандан кўра ҳам зиёда бўлди. Область матбуот марказига келган сўнгги рапортлар орасидан қуйидаги рапортга кўзим тушиб қолди: Совхозимиз пахтакорлари 3150 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, йиллик планни бажардилар... Баликчи районидаги М. Горький номли совхоз директори Ҳакимжон Қаюмов, партия комитетининг секретари Мадаминжон Ўрмонов...»

Осмон ярақлаб кетгандай бўлди. Кўз олдимда Ҳакимжон ака кулиб турагандай биз, шундай яшаяпмиз деяётгандай. Қани энди ҳамма ҳам шундай буюк муҳаббат, катта завқ-шавқ, эътиқод ва матонат, фидойилик ва қаҳрамонликлар билан яшаса Энди Ҳакимжон ака билан яна учрашиб қолсам шундай деб айтаман: — Сиз ва сиздаги инсонлар мана шундай яшаш учун туғилдилар. Бошқача яшаш қўлингиздан келмайди. Сиз фақатгина шундай яшайсиз!

Абдухалил ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Чорва қишловининг боришини текширамиз

ФЕРМАЛАР ДОИМИЙ НАЗОРАТДА БЎЛСИН

Қувасой шаҳрида фақат саноат, қурилиш соҳасигина эмас, балки қишлоқ хўжалиги ҳам равнақ топиб борянти. Унда айни пайтда 7 та совхоз мавжуд. Уларда пахтачилик, боғдорчилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам йўлга қўйилган. Биз шаҳар партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири Мелибой Мўйдинов билан совхозларда чорвачиликни ривожлантиришда амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

Мелибой Мўйдинов бизнинг фикримизни англагач, шундай сўз бошлади:

—Қисқа давр ичида чорвадорларимиз моллар туёғини ўстириш ва маҳсулдорлигини оширишда дуруст кўрсаткичларни қўлга киритишди. Ҳозирги кунда шаҳар хўжаликларида 5661 бош йирик қорамол, жумладан, 1589 бош сигир, 515 бош қўй-эчки, 1186233 та парранда боқиляпти. Давр талабидан келиб чиқиб, ҳар бир хўжаликда давлатга тухум етказиб берилди.

Биз М. Горький номли совхоз фермасида бўлганимизда хўжаликда чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилганлигининг гувоҳи бўлдик. Совхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1982—1983 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини ўзларининг иш программаси сифатида қабул қилиб чорва қишловини соз ўтказишяпти. Совхозда 336 бош қорамол боқиляпти. Ферма чорвадорлари бу йил давлатга 201 тонна ўрнига 214,1 тонна сут сотиб, йиллик планни ошириб бажаришга эришишди. Ғазалой Адҳамова, Ҳайитхон Сайдиева каби машъал сут соғувчилар касбдошларига алоҳида намуна бўлишди. Улар ҳар бир сигирдан 2800 килограммдан серкаймоқ сут соғиб олишга эришдилар. Сигирлар маҳсулдорлигини лимга бошчилик қилади. Чорвачилик фермасида эса 4 минг 100 бош қўй ва 480 бош қўтос, 120 бош йилқи қишлайди. Чўнг-Олойда яшовчи чорвадорларимизга ҳамма шарт-шароитни яратиб берганмиз. Фермаларга қишлов учун ем-хашакни тайёрлаб қўйганмиз.

Совхознинг сут-товар фермаси томон йўл олдик. Чорва бинолари сифатли ремонтдан чиқарилган. Ҳаммаёқ озода, киши кўнгли яйрайди. Сут соғувчи ва молбоқарларнинг диққат эътибори шу кунларда сигирлардан кўплаб маҳсулот олишга қаратилган. Совхоз чорвадорлари юбилей йилида давлатга 410 тонна сут сотишга азму қарор қилган эдилар. Улар сўзларининг устидан чиқишди. Бу ютуқда Меҳринисо Ҳакимованинг улуши катта бўлди. Бу «оқ чашма» ижодкори 42,5 тонна сут етказиб берди. Бу илғор чорвадорларнинг дугоналаридан Адолатхон Қурбонова, Ражаби Девонаевалар ҳам ўз устозларидан ортда қолмасликка ҳаракат қилишди.

Совхозда ем-хашак тайёрлашга жиддий эътибор берилганлиги натижасида қишлов учун 3 минг 265 тонна пичан, 6 минг 352 тонна силос, 650 тонна беда ва бошқа озуқалар тайёрланди.

Фермадаги мавжуд техника воситалари юқори унум билан ишлатиляпти. Ҳар куни сигирларга уч маҳал аталa тайёрлаб бериляпти. Бу эса соғиб олинаётган сут миқдорининг қишда ҳам камаймаслигига олиб келяпти. Бундан ташқари, совхозда давлатга гўшт сотиш йиллик плани бажарилди. Совхоз чорвадорлари давлатга 190 тонна семиз гўшт етказиб беришди.

Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 400 килограммдан, ҳар бир қўйнинг тирик вазни 45 килограмм тош босди. Шунингдек, хўжаликда давлатга тухум сотиш плани ҳам муваффақиятли ўрнинланди. Давлатга 123 минг дона тухум етказиб берилди.

«Шарқ юлдузи» совхози чорвадорлари қишловни соз бошлашди. Совхоз бош зоотехниги В. Горбунов ва суттовар фермаси мудири Шерали Мамаюсуповларнинг тажрибали чорвадор эканликларини кундалик ишлари кўрсатиб турибди. Бу ерда чорва маҳсулдорлиги тинмай ортиб борянти. Зиёдахон Эгамбердиева, Ойимхон Исаева, Тошхон Нурматова каби сут соғувчилар ўзаро беллашувда байроқдорлик қилишяпти.

Хўжаликда бу йил 1255 бош қорамол, шу жумладан, 355 бош сигир, 515 бош қўй-эчки, 2116 та парранда қишлоқда. Барча фермалар қишловга пухта созланди, сифатли ремонт қилинди. Чорва қишлови учун етарли озуқа жамғариб қўйилган. таъминлашда Қўзибой Ҳайдаров, Хўжа Машрапов каби молбоқарларнинг ҳиссалари катта бўлди. Хўжаликда давлатга гўшт ва тухум сотиш йиллик планлари ҳам шараф билан уддаланди.

Фермада саранжом-саришталик. Соғувчилар, молбоқарлар ўртасида мусобака авжида. Чорва қишловига 1380 тонна пичан, 1280 тонна силос, 500 тонна лавлаги жамғариб қўйилган. Шу кунларда чорва молларига кунига 11—12 озуқа бирлигида ем-хашак берилмоқда. Биз, айниқса, хўжаликда фермадаги кечки навбатчиликнинг йўлга қўйилганидан хурсанд бўлдик. Совхоз чорвадорларининг шу кунларда диққат эътиборлари чорва молларини қишдан тўқ ва соғлом олиб чиқишга қаратилган.

«Шарқ юлдузи» совхози чорвадорлари қишловни соз бошлашди. Совхоз бош зоотехниги В. Горбунов ва суттовар фермаси мудири Шерали Мамаюсуповларнинг тажрибали чорвадор эканликларини кундалик ишлари кўрсатиб турибди. Бу ерда чорва маҳсулдорлиги тинмай ортиб борянти. Зиёдахон Эгамбердиева, Ойимхон Исаева, Тошхон Нурматова каби сут соғувчилар ўзаро беллашувда байроқдорлик қилишяпти.

Хўжаликда бу йил 1255 бош қорамол, шу жумладан, 355 бош сигир, 515 бош қўй-эчки, 2116 та парранда қишлоқда. Барча фермалар қишловга пухта созланди, сифатли ремонт қилинди. Чорва қишлови учун етарли озуқа жамғариб қўйилган. Совхозда давлатга гўшт ва тухум сотиш планлари ҳам бажарилди.

Лекин баъзи хўжаликларда эришилган натижаларга танқидий кўз билан қараш етишмаётганга ўхшайди. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек, молқўйларни авайлаб асраш, тўйдириш, айниқса, қиш даврида улардан олинадиган маҳсулотларни камайтирмаслик қанча-қанча меҳнат, қийинчилик ва ташвиш тўғдириши турган гап.

«Муян» совхози шаҳардаги йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бу хўжаликда 359 бош қорамол, шу жумладан, 190 бош сигир, 512 бош қўй-эчки ва 6167 та парранда қишлайди. Совхоз чорвадорлари давлатга гўшт сотиш планларини бажаришди. Лекин сут ва тухум топшириш планлари ҳали аро йўлда турибди. Чунончи, ҳар бир товуқдан пландаги 120 та ўрнига 43 донадан тухум олинганлигини қандай баҳолаш мумкин.

Хўжаликда амалга ошириладиган ишлар шу кун талабларига жавоб бермайди. Совхоз директори ўрток М. Аҳмедов ва хўжаликнинг бошқа раҳбарлари фермада кам бўлишади. Чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа номига ташкил этилган. Фермадаги чорвадорлар билан суҳбатлашганимизда улар кунлик графикни билмасликларини аниқладик. Ферма ходимларининг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратиб берилмаган.

Совхозда бу йил пландаги 1089 тонна ўрнига 927 тонна дағал хашак тайёрланган. Шундан ҳозиргача 591 тонна дағал хашак сарфлаб юборилган. Қиш даври учун атиги 336 тонна дағал хашак қоляпти. Қишнинг қийин ўтиши кутилаётган бир шароитда 1338 тонна ўрнига 825 тонна силос тайёрланган, холос. Совхозда 1 килограмм ҳам сенаж тайёрланмаган. Бунинг устига, мавжуд ем-хашак молларга майдалаб, буғлаб берилмаяпти. Бу ишларни амалга ошириш учун етарли техника мавжуд. Бироқ уларни юқори унум билан ишлатиш ҳақида совхоз бош зоотехниги Нишонбой Зиёвуддинов жон қуйдирмаяпти.

Ҳамид Олимжон номли совхоз чорвачилик фермасидаги аҳвол бизни анча ранжитди. Совхозда 932 бош қорамол, шундан 309 бош сигир, 568 бош қўй-эчки, 1 минг 388 та парранда қишлаши керак. Бу йил хўжаликда пландаги 1664 тонна ўрнига 1360 тонна ем-хашак жамғарилибди. Унинг 1062 тоннаси аллақачон молларгa едирилган. Ҳозир совхозда қиш учун 298 тонна ем-хашак қолган. Бундан ташқари, совхоз бўйича бу йил 2785 тонна ширали озуқа тайёрлаш талаб қилинади. Қишлов учун фақат 1962 тонна ширали озуқа тайёрланган. Бу аҳволда кўзланган мақсадга эришиш мушкуллиги ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш орқали Озиқ-овқат программасини амалга ошириш энг муҳим, актуал вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Юқорида тилга олинган хўжалик раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари бутун ишни шу ҳужжат асосида йўлга қўйиш, камчиликларга тез кунлар ичида барҳам бериш чораларини кўришлари керак.

А. ТУХТАСИНОВ.
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.



Юбилей йилини зарбдорчасига якунлаймиз! Кўкдала районидаги Охунбобоев номли совхоз чорвадорларининг шиори ана шундай. Бу ерда қиш фаслида ҳам маҳсулдорликни пасайтирмаслик учун барча чоралар кўрилянти. Хўжалик ферма ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақада ёш чорвадор Рўзиқул Мирзақулов пешқадамлик қилаётир.

СУРАТДА: ферма ходими Р. Мирзақулов иш устида.

Е. Ботиров фотоси.

МАҲСУЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Қарши районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари юбилей йилини яхши якунлашяпти. У ерда 1600 бош қорамол, шу жумладан 400 бош сигир, 5200 бош қўй-эчки асралмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 12—15 процент кўп демакдир. Колхозда чорва маҳсулдорлигини оширишда қувончли ютуқларни қўлга киритишда илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, фан ютуқларини изчил жорий этиш муҳим омил бўлаётир.

Маҳсулдорликни оширишнинг асосий йўли чорва туёғини кўпайтириш эканлигини ферма ходимлари яхши билишади. Ҳозиргача ҳар юз бош сигирдан пландаги 88 та ўрнига 95 та бузоқ олинди, ҳар юз бош совлиқдан олинган қўзи 150 тага етиб, бу борадаги белгиланган плантопшириқлар ортиғи билан бажарилди. Колхозда гўшт, сут, тухум топшириш йиллик планлари аллақачон уддаланган. Ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут 3 минг килограммдан ошиб кетди. Мусобақа пешқадамлари Зирагул Ҳакимова, Гулнора Полвонова, Гулнора Беклаева каби сут соғувчилар бундан ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритишяпти.

Хўжаликда тез етиладиган соҳалардан бири қуёнчилик намунали ривожлантирилянти. Фермада 12 минг қуён қишловдан соз олиб чиқилмоқда. Қуёнбоқарлар давлатга 25 тонна парҳез гўшт топшириб, йиллик планни барвақт бажардилар.

Колхоз фермаларида қишловни соз ўтказиш учун барча шароит яратилган. Пландаги 1600 тонна ўрнига 3 минг тонна дағал хашак фермаларга келтирилган. Бир сўз билан айтганда, коммунизмлик чорвадорлар зарбдор тармоқни ривожлантириш учун енг шимариб меҳнат қилишянти.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Қашқадарё области.

Кишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

«КЎПРОҚ ОЗУҚА ЖАМҒАРИНГ»

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг шу йил 186-сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Навоий область хўжаликларида беда пичани жамғариш сусткашлик билан олиб борилаётгани кўрсатилган эди. Ушбу материал юзасидан қуйидаги жавоб олинди.

НАВОИ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

«Кўпроқ озуқа жамғаринг» сарлавҳали газета материали область ижроия комитетида атрофлича муҳокама қилинди. Йўл қўйилган камчиликларга тезда чек қўйиш, озуқа жамғариш суръатини янада ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди. Мазкур тадбирларни амалга ошира бориш натижасида 371 минг тонна озуқа, жумладан 109 минг тонна беда ҳамда сенаж тайёрланди ва белгиланган план-топшириқ ошиғи билан бажарилди. Ҳозир чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

А. ИСАЕВ,
Навоий область ижроия комитети раисининг ўринбосари.

«РАҚАМЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНСА...»

Олтинкўл районидаги Ленин номли колхозда чорвачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш, сут соғиб олишни кескин кўпайтириш, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш, уларга маданий-маиший шароитлар яратиб бериш талаблар даражасида эмаслиги газетанинг юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақоласида (1982 йил, 11 сентябрь) танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан редакция қуйидаги жавобни олди.

ОЛТИНКЎЛ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

«Рақамлар таҳлил қилинса...» сарлавҳали газета материали район партия комитетининг бюро мажлисида кенг муҳокама қилинди ва унда келтирилган фактлар тўғри эканлиги эътироф этилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида қатор тадбирлар белгиланди. Мазкур тадбирларга мувофиқ колхозда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун мавжуд чорвачилик биноларининг ремонти тугалланди.

Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мақсадида чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани юқори савияда ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун колхоз партия комитети аъзоларининг масъулияти оширилди. Чорвачилик фермаси ходимларининг меҳнат шароити яхшиланди. Техника ва механизмлардан тўла фойдаланишга эътибор берилмоқда.

Район партия комитети бюросининг қарори билан чорвачиликни ривожлантиришда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун Ленин номли колхоз правлениесининг раиси У. Баратов ва партия ташкилотининг секретари Н. Сотволдиев ўртоқларга қаттиқ партиявий жазо берилди. Колхоз зоотехниги Х. Ботиров ўз вазифасидан четлаштирилди.

Район партия комитети барча колхозларда чорванинг аҳволини тубдан яхшилаш, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини тўла-тўкис бажариш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Т. ҲОЖИҚОСИМОВА,
Олтинкўл район партия комитетининг секретари.

КЎКЛАМНИ КЎЗЛАБ

Бекобод районидаги Ленин номли колхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати А. Рўзматова бошлиқ бригада механизаторларига бутун пахта майдонини шудгорлаш учун атиги беш кун муддат берилди. 78 гектар майдоннинг ҳар гектари экиш-тикиш ишларига юқори сифатли тайёрланди: тупроқ зарур чуқурликда ҳайдалди, минерал ўғитлар билан бойитилди.

Суюнбой Турсунбоев ва Аҳмадали Мирзаев бошлиқ бригадаларнинг механизаторлари ҳам ер ҳайдашда юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Бу йил донгдор деҳқон Адолат Рўзматова бошлиқ бригада Тошкент областида «оқ олтин»дан энг юқори ҳосил олди — гектар бошига 65 центнердан хирмон кўтарди. Бригада бу муваффақиятга Тошкент технологиясини моҳирлик билан қўллаши, машина-механизмлардан, ўғитдан, сувдан самарали фойдаланиш туфайли эришди. Тупроқнинг унумдорлигини тўғрисида ғамхўрлик қилинганлиги шу муваффақиятнинг асосий омилларидан бири бўлди. Адолат Рўзматова бошлиқ коллектив ҳар гектар ернинг унумдорлигини ошириш тўғрисида куздан бошлаб ғамхўрлик қилмоқда. Ҳозир бригада далаларга тез суръатлар билан маҳаллий ўғит чиқармоқда, келгуси йили мавсумда ҳар гектар ерга йигирма беш тоннадан шундай ўғит солишга қарор қилинди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон пахтакорлари меҳнатда эришган ажойиб ғалаба муносабати билан КПСС Марказий Комитети йўллаган табрикнома гектар самарадорлигини янада ошириш учун курашда бригада аъзоларининг ғайратига-ғайрат қўшди. А. Рўзматова ва унинг дугоналари беш йилликнинг учинчи йилида эришилган кўрсаткичдан ўзиб кетиш, пахта ҳосилдорлиги соҳасида янги рекорд қўйиш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
ВОҚЕЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

«Совет Иттифоқи ҳозирги ва келажак авлодларнинг осойишта тинч истиқболини таъминлаш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилиб беради». КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов қилган докладдан келтирилган бу сўзлар шонли юбилейнинг байрам қилинишн тўғрисида халқаро майдонда билдирилаётган кўпдан-кўп фикр ва мулоҳазаларнинг асосий мазмунидир.

Турли мамлакатларнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, матбуоти Совет Иттифоқининг бутун 60 йиллик тарихи социализм буюк афзалликларининг, ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин далили эканлигини қайд этиб, СССР халқаро майдонда халқлар тинчлиги ва озодлиги ишининг таянчи сифатида қурашиб келаётганлигини, советлар мамлакати тащқи сиёсатининг негизи бўлган тинч-тотув яшаш принциплари эса халқаро кўламда кенг эътироф этилганлигини таъкидламоқдалар. Жаҳон матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг докладида «Ҳозир янги уруш оловини ёқувчиларни тўхтатиб қолишда ҳам муҳимроқ вазифа йўқ», деб айтилган гапни келтиради.

Чет эл ахборот агентликлари, радиоси ва телевидениеси «Жаҳон парламентлари, ҳукуматлари, сиёсий партиялари ва халқларига» мурожаатни кенг тарқатдилар. Бу мурожаат КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида бир овоздан қабул қилинган бўлиб, унда планетада кескинликни юмшатишни ва тинчликни мустаҳкамлашга даъват этилади.

СССРнинг ташкил этилганлиги социализми ривожланишидаги катта қадамгина бўлиб қолмай, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришидаги энг муҳим бурилиш моментларидан бири ҳам бўлди, деб ёзади **«Нойес дойчланд»** (ГДР) газетаси. Бугунги кунда ҳам Совет Иттифоқи тинчликни ҳимоя қилиш, барча халқларнинг ҳукм ўтказиш ва ўзгаларнинг ишларига аралашишдан ҳоли бўлган кенг кўламдаги самарали ҳамкорлиги учун актив ва изчил курашиб келмоқда. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг докладида бу нарса зўр кучи билан астойдил таъкидланган.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги — ҳозирги дунёда ғоят катта ва самарали роль ўйнаётган қудратли, соғлом организмдир, деб уқтиради Чехословакиянинг **«Руде право»** газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг докладини шарҳлаб. Ҳамдўстлик мамлакатлари олдида кўпгина жиддий вазифалар турибди. Социалистик ғалабаларимиз ва бойликларимизни империализмнинг қисувидан ҳимоя қилиш; сиёсий ҳамкорликни янада такомиллаштириш; ниҳоят, иқтисодий интеграция жараёнига янги омил бахш этиш мана шу вазифалар жумласига киради.

Болгарияда чиқадиган **«Работническо дело»** газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: халқаро вазият ниҳоятда хатарли даражада кескинлашиб кетган, Ғарбда эса ашаддий урушқоқ гуруҳлар активлашиб қолган ҳозирги пайтда СССР ўзининг тинчликсеварлигини, энг муҳим халқаро проблемаларга принципиал ёндашаётганлигини қайта-қайта намойиш этмоқда. Ғарбдаги ашаддий урушқоқ гуруҳларнинг социализмга нисбатан синфий нафрати реалликни ҳис этиш туйғусидан устунлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари авж олдириб юборган қуролланиш пойгасини тўхтатишга даъват этди ва айни вақтда олисни кўзловчи янги таклифларни олға сурди. Бу таклифлардан қизатилган мақсад ядро ҳалокати хавфини бартараф этишдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари жуда муҳим доклад қилди, бу доклад Совет Иттифоқининг тарихий муваффақиятларидан далолат беради, деб уқтиради Вьетнамнинг **«Нян Зан»** газетаси. Октябрнинг улуғ ғалабаси, ўтган 60 йил мобайнида Совет Иттифоқи эришган буюк ютуқлар — миллий масалани муваффақиятли ҳал этишнинг ажойиб намунасидир. СССРнинг ташкил этилиши ва жадал ўсиши — жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Совет Иттифоқи планетадаги миллион-миллион кишиларнинг энг буюк неъмати ва энг эзгу орзу-умиди — тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун тинимсиз курашиб келмоқда.

Хитойнинг **«Жэньмин Жибао»** газетаси Москвадаги юбилей тантаналари тўғрисида хабар қилиб Ю. В. Андропов докладининг қуйидаги бўлимини келтиради: Американинг қурол-яроғларни янада кўпайтириш программалари Совет Иттифоқини бир томонлама ён беришларга мажбур қила олмайди, Америка томонининг дағдағасига жавобан СССР ўзининг тегишли қурол системаларини жойлаштиришга мажбур бўлади.

БМТ Бош секретарининг вакили айтдики, **Х. Перес де Куэльяр** Совет раҳбарининг докладини муҳим ҳужжат деб баҳолади ва СССРнинг янги тащки сиёсий таклифлари билан эътибор бериб танишиб чиқди.

Совет раҳбари, деб ёзади Англиянинг **«Файнэншл Таймс»** газетаси, «чекланган», «узоқ давом этадиган» ядро уруши ва унинг бошқа турлари эҳтимоли борлиги тўғрисидаги Америка концепцияларини қатъиян рад этиб, ядро вабоси қаерда бошланмасин у муқаррар равишда назорат остидан чиқиб кетишини, ялпи фалокат келтиришини таъкидлади. «Ю. В. Андроповнинг докладида 1983 йилда ядровий қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларда ўз ролини ўйнайдиган жуда оқил, жозибали ва зарур пайтда айни муддао бўлган ажойиб қадамдир, — деб таъкидлайди Англиядаги бошқа бир **«Дейли телеграф»** газетаси. «Ҳозирги пайтда, — деб уқтиради **Би-Би-Си** телекомпанияси, — Ғарбнинг етакчи давлат арбоблари Ю. В. Андропов докладини эътибор билан ўрганмоқдалар, докладда бир қанча ижобий моментлар баён этилган, деб ҳисобламоқдалар».

«Нью-Йорк таймс» газетаси ёзади: Совет раҳбари ўзининг муҳим нутқида ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги янги катта таклифларни олға сурди ва айни вақтда шуни равшан қилиб айтдики, Рейган маъмуриятининг «МХ» ракеталари каби янги қурол системаларини жойлаштириш тўғрисидаги қарори бунга жавобан Совет Иттифоқини ўзининг тегишли системаларини, шу жумладан «МХ» ракеталарига ва олис масофага учириладиган қанотли ракеталарга ўхшаган ракеталарини жойлаштиришга киришишга мажбур этади.

ГФР бундестагида ГСДП фракцияси раисининг ўринбосари Х. Эмке бундай деди: Ю. В. Андропов Москвада қилган докладида Совет Иттифоқи Европада Англия билан Франция ўртача олисликка учириладиган қанча ракетага эга бўлса, фақат шунча ракетани сақлаб қолишга тайёр эканлигини эълон қилди. Бунинг маъноси шуки, Совет Иттифоқи ўзининг ўртача олисликка учириладиган юзлаб ракеталарини, шу жумладан ўнлаб «СС-20» ракеталарини қисқартиришга тайёр бўлур эди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қурол-яроғлар устидан контроллик тўғрисидаги музокараларни давом эттириш учун жуда муҳим бир пайтда, айтиш мумкинки, инсоннят тақдири учун ҳал қилувчи пайтда ўз таклифларини киритди. Бу таклифлар синчиклаб ўрганишга лойиқдир. Совет ташаббусларини ортиқча шошқалоқлик билан рад этадиган Ғарбдаги кимсалар ўз зиммасига оғир сиёсий жавобгарликни оладилар.

Токиода чиқадиган **«Иомиури»** газетаси ёзади: КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг доклади Совет Иттифоқи ядровий қуролсизланиш проблемаларига актив ёндашаётганлигини намойиш қилади. СССР «тинчлик ҳужумини» давом эттираётганлигини кўрсатувчи салмоқли далилдир. Айни вақтда Совет раҳбари Рейган маъмуриятининг Советларга қарши олиб бораётган қаттиқ йўли хусусида жиддий огоҳлантириб, Совет Иттифоқи АҚШга бир томонлама ён босмайди ва унинг ҳарбий устунликка эришувига йўл қўймайди, деб жуда равшан қилиб айтди.

Совет ташаббуслари ҳақиқий қуролсизланишнинг аниқ ва одилона йўлини кўрсатиб бермоқда, деди Социалистик Эфиопия тащки ишлар министри Фелеке Гедле-Георгис. Ю. В. Андроповнинг докладида АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатларнинг биз қуролсизланишга интилаямиз, деган сафсатабозликларининг бутун сохтакорлиги фош этилган. Совет раҳбарининг доклади СССР тинчлик тақдири тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилаётганлигини ифода этади ва уруш кучларига нисбатан жиддий огоҳлантириш бўлиб янграмоқда.

(ТАСС).

ҲАЛОЛЛИК БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ УЧУН

ПАРИЖ. Германия социал демократлар партиясидан Европа парламентига депутат Хайнке Салиш хоним «Юманите» газетаси мухбири билан қилган суҳбатида Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини Ғарбий Европа территориясида жойлаштириш тўғрисида НАТОнинг планларини қатъиян қоралади. Бу планлар, ядро уруши келиб чиқиш хавфини кўпайтиради. Бу эса Европа учун ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлади, деб таъкидлади у.

АҚШ президенти Р. Рейган жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган «Нуль варианти» Англия билан Франция қўлидаги ракеталарни ҳисобга олмаслигини уқтириб Х. Салиш, Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Женевада олиб борилаётган музокараларда ҳалоллик билан қарор чиқариш йўлини қидириб топиш зарурлигини айтди.

АҚШ БИЛАН АҲДЛАШУВГА ЙЎЛ ҚЎЙИШ КЕРАК ЭМАС

ОТТАВА. Мамлакат янги демократик партиясининг миллий бошлиғи Э. Б. Родбент қанотли ракеталарни синаб кўриш тўғрисида Рейган маъмуриятининг планларида Канаданинг иштирок этишига қарши чиқди. У қанотли ракеталарни ва қуролярогларнинг бошқа баъзи турларини Канадада синаб кўриш учун Пентагонга имкон берадиган битимларни АҚШ билан имзолашга йўл қўймаслик мақсадида парламентда шошилинч муносабатлар ўтказишни талаб қилди. Маҳаллий матбуотнинг уқтириб ўтишича, Канада жамоатчилигининг кенг доиралари, шунингдек бошқа кўпгина сиёсий доираларнинг вакиллари мамлакат территориясини Америка қуролларини синаб кўрадиган полигонга айлантиришга қатъиян қарши чиқмоқдалар.

ИСРОИЛ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ИСТЕҲКОМЛАРИ

УММОН. Исроил Мудофаа министри Шарон босиб олинган араб ерларида яна якин вақт ичида 14 та ҳарбийлаштирилган мазилгоҳлар қуриш тўғрисида Тель-Авивнинг планларини айтиб берди. Исроил ҳарбийларининг бу янги истеҳкомлари Иордан дарёсининг Ғарб соҳилида Ал-Ҳалил ва Наблус шаҳарлари ёнида қурилади.

Шундай қилиб, Тель-Авивнинг сионист бошлиқлари жаҳон жамоатчилигининг норозилигини сурбетларча назар-писанд қилмай, босиб олинган араб ерларини ўзларига қўшиб олиш сиёсатини давом эттирмоқдалар. Мана шу сиёсат натижасида Ғарб соҳилининг ўзидагина 90 га якин ҳарбийлаштирилган манзилгоҳлар қурилган.

ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИ АЙБДОР

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Ғарб давлатларини улар олиб бораётган сиёсат ривожланаётган давлатларни иқтисодий жиҳатдан асоратга солишга сабаб бўлади, деб айблади. Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Ғарбий Бенгалиянинг Шантиникетан штатида сўзга чиқиб айтдики, Ғарбда бир қанча кредит-молия муассасаларининг тузилганлигидан мақсад Ғарб билан ривожланаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни мустаҳкамлаб қолишдан иборатдир. Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар, деб таъкидлади И. Ганди, сиёсий мустақилликка эришдилар. Аммо биз ҳали ҳам Ғарб давлатларининг нуқул ўз фойдасини кўзлаётган валюта-молия системаси тўрига ўралиб қолганмиз.

ЙЎЛДОШ ШАМШАРОВ—75 ЁШДА

ЗАҲМАТКАШ АДИБ

Бундан ўн беш йилча муқаддам Андижонда очеркнависларнинг семинари бўлганди. Республикамизнинг барча областларидан вакиллар қатнашган ана шу семинарга Йўлдош Шамшаров раҳбарлик қилганди. Сўзга чиққанлар очеркчилигимизнинг аҳволи ҳақида ташвишланиб гапириб, бир қайтлар ана шу жанрда ижод қилиб, ном қозонган айрим катта ёзувчилар очеркни ёшларга ташлаб қўйишгани, оқибатда вақтли матбуотда «бир командировка» маҳсули бўлган «очерк»лар эълон қилинаётганини далиллар билан исботлашди.

«Очерк ҳамиша жанговар жанр бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади, —деди Йўлдош Шамшаров ўшанда. —айрим ёзувчиларимиз ҳақидаги фикрларингизда жон бор. Чиндан ҳам роман-қиссалар олдида очеркни назарлари илмаяпти. Ваҳоланки, давр солномасини яратадиган бу жанр кўпчиликка манзур бўладиган йирик асарларнинг дунёга келишида кўприк ролини ўйнайди. Унинг билган, ҳаёт ҳақиқатига қурилган замонавий асарлар яратиш ниятида бўлган ёзувчи ҳеч қачон очерк-публицистикадан узоқлашмайди. Бу жанр қаламни қайрайди, тилни бурро қилади, фикр доирасини кенгайтиради, ҳаётни бутун борлиғи билан тасвирлашга ўргатади».

Йўлдош Шамшаровнинг ўзи бир умр шунга амал қилди. Оддий қишлоқ мухбиридан Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси даражасигача бўлган изланиш ва яратиш йилларида очерк-публицистика жанрига меҳр кўйди ва очеркчилигимиз тараққиётига муносиб улуш кўшди. Унинг дастлабки очерклари қирқинчи йилларда эълон қилинган бўлса-да, уларда ҳали бадиий маҳорат етишмаслиги, тасвир ўрнига баёнчилик, фактларни таҳлил қилиш, қаҳрамонларнинг ички дунёсини очишга нисбатан ахборот воситаси устунлик қиларди.

Республика газета-журналларида узоқ йиллар ишлаши, ижодий командировкаларда бўлиб, одамлар билан учрашувлари, уларни ташвишга солаётган муаммолар ҳақида мулоқотда бўлишлари уни образли фикр юритиш, бадиий умумлашмалар чиқариш, воқеаларни баён қилишдан атрофлича тасвирлашга ўргатди. У энди қайси мавзуда қалам тебратмасин, қаҳрамонларнинг кечинмалари, орзу-ниятлари, кураш ва интилишлари орқали давр нафасини, ҳаёт кўнгалинг қилиб кўйган муаммоларини ҳал этиш, ҳақида ўйлайдиган бўлди.

Ўзига нисбатан талабчанлик, жанр имконият ва хусусиятларини қалбан ҳис этиш, ёзиш масъулиятини юксак қадрлаш очеркнависга ижоднинг сирли сўқмоқларини очди.

Эллигинчи йилларга келиб Йўлдош Шамшаров очеркларида ҳаёт зиддиятлари, кучли драматизм ва психологик таҳлил бўёқлари қуюқлашиб, ўқувчиларни хурсанд қила бошлади. «Боғбон» очеркида ўтмиш билан социализм қурилиши давридаги қарамақаршиликлар орқали икки тузум зиддиятлари фош этилса, «Пахтақайнар»да халқ хўжалигини ривожлантириш жараёнидаги тўқнашувлар, бир-бирини рад этишлар, бир-бирига ишонмаслик драматик тарзда таҳлил этилади. Очеркдаги конфликт асосан колхоз раиси Шарифжон ва ҳосилот Советининг раиси Ҳамдам ака образи орқали ривожланиб, кулминацион нуктага чиқади. Лекин улар ўртасидаги келишилмовчилик, бир-бирини тушунмаслик антогонистик характерда эмас. Улар бир масалага турлича ёндошишади, холос.

Икки колхоз бирлашиб, катта хонадонга ким бош бўлиши кўпчиликни ўйлантириб турганда Ҳамдам ака «Шарифжон тебратади бу рўзгорни. Агроном, укувли, баъмали йигит. Муштдайлигидан биламиз: раҳбарликни шу уддаламаса, ким уддалайди», —дейди.

Кўп ўтмай ана шу Ҳамдам аканинг ўзи раиснинг пахта ҳосилдорлигини Тиктепадаги янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига ошириш ҳақидаги таклифига қарши чиқади. Шундай қилиб, правление аъзолари ўртасида бир масалада икки хил фикр пайдо бўлади. Шарифжонлар янги ҳаракат ёркин истиқболга эга эканини амалда исботлашади. Ниҳоят ҳосилот Советининг раиси ҳатосини тан олиб, Шарифжонга ён босади.

Ёзувчи воқеаларнинг ривожини шунчалик маҳорат билан тасвирлаганки, ўқувчи очеркни «қани нима бўларкан», деган ўй билан охиригача ўқиганини сезмай қолади.

«Қоравой полвон нима дейди?» очерки Йўлдош Шамшаровнинг кўп йиллик изланишларининг ширин меваси сифатида майдонга келди. Тўғрироғи, мана шу очеркда унинг ёзувчилик салоҳияти бўртиб кўринди. Қоравой полвон образи орқали эски замонда меҳнатни очдан ўлмаслик воситаси деб билган, колхозда ўз бахтини топиб, янги тузум учун фидойи шахс типиклаштирилган. У меҳнаткаш, ҳақгўй, халқ мулкини муқаддас деб билади. Лекин бироз ўжар. Бу ўжарлик ҳам унинг ўз кучига ишониш, меҳнатни ҳалол қилишга одатланганидан келиб чиқ-кан. Йўлдош Шамшаров қаҳрамонининг ўжарлиги, бир сўзлиги, меҳнатсеварлиги ва ҳақ йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслиги орқали ўзбек деҳқонининг мукаммал образини яратишга муваффақ бўлган.

Йўлдош Шамшаровдаги ёзувчига хос олдиндан кўрабилиш, қаҳрамонлар тақдирини режа ва интилишлари замирида давр нафасини, эртанинг муаммоларини қалб кўзи билан илғаш маҳоратини «Ғурумсаройликлар» китобига кирган очерклар силсиласида ёркин кўрамиз. Китобдаги очерклар гарчи бошқа-бошқа номлар билан аталсада, уларнинг узвий яқинлиги, бир-бирини тўлдириб, ғурумсаройликларнинг кечаги куни, бугуни ва эртаси ҳақида бой тушунча бериши кишини қувонтиради. Биз колхознинг собиқ раиси Акбарали Тошматов, қишлоқнинг биринчи инженери Ўлмас бува, уста Николай Ефимов ва бошқалар орқали бугунги бахтли кунларни деб курашган, ленинча кооператив планни амалга оширган, социализм тантанаси йўлида тош келса кемирган авлод фидокорлигини кўрсак, Аҳмаджон, Парпи, Салим, Меликўзилар тимсолида янгиликка интилувчи, ташаббускор, эртанинг ташвиши билан яшаб, колхозни барака дарёсига айлантираётган коммунистлар образи мужассамлашган.

Ана шу образларни бир-бири билан боғлаб, ғурумсаройликлар характерини шакллантирадиган, ягона мақсад йўлида курашга даъват этадиган марказий образ борки, ёзувчи уни ўқувчи кўз олдида ишонарли штрихлар орқали гавдалантиради. Бу — колхознинг янги раиси Аҳмаджон Одиловдир. Ҳақиқатдан ҳам янги раис қисқа вақт ичида колхоз шуҳратини оширди. ғурумсаройликлар бундан ҳам катта ишларга қодир эканига ишонч ҳосил қилди. Номи тилга тушиб, республикада, ҳатто Иттифоқда ташаббускор раис бўлиб танилди. Йўлдош Шамшаров раис образини яратар экан, ана шу ташаббускорлик, тадбиркорлик нимадан иборат эканига алоҳида эътибор беради. Ғурумсаройликлар янги раис раҳбарлигида эришган марраларни мадҳ этмайди. Балки, очеркчи сифатида шу марраларга қандай эришилгани, раиснинг бошқалардан фарқи нимада эканини тадқиқ қилади.

Узоқ йиллар республика газета-журналларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида ва Ўзбекистон Компартияси партия тарихи институтида ишлаши, очеркнавист сифатида республика қишлоқларида бўлиши, беш йилликларнинг зардор қурилишларида қатнашиши бой ҳаётий материал тўплашга имкон берди. Очерк жанрида қаламини қайраб, маҳоратини оширган ёзувчи олтмишинчи йилларга келиб йирик асарлар ёзишга қўл урди. Бирин-кетин «Чироқ» романи, «Ер нафаси», «Виждон амри» «Тошқин» воқеий қиссалари майдонга келди.

«Чироқ»да иигирманчи йилларнинг бошларидаги чигал воқеалар, ниқилоб берган озодлик ва тенглик тантанаси, социализм ғалабаси учун олиб борилган кураш бир-бирига қарама-қарши образлар орқали инъикосини топган бўлса, «Виждон амри» қиссасида Италияда фашистларга қарши жанг қилиб, Италия Компартияси аъзоси бўлган андижонлик Аҳмаджон Мамажоновнинг жасорат ва матонати ҳужжатлар асосида ишонарли ва таъсирчан тасвирланган.

Ўзининг «Дарёлар» очеркида республикамизда сув учун кураш, айниқса Фарғона водийсини оби-ҳаёт билан таъминлаш ишига бош-қош бўлган икки коммунист, партия арбоблари, ажойиб инсонлар Йўлдош Охунбобоев ва Усмон Юсупов образини адабиётга олиб кирган Йўлдош Шамшаров «Тошқин» қиссасида яна Катта Фарғона канали қурилиши мавзуига мурожаат қилиб, ана шу икки образни бой ҳаётий материаллар билан тўлдирди.

Изланиш ва яратишнинг машаққатли эллик йиллик йўлини босиб ўтган ёзувчи очеркчилик билан таржимонликни бақамти олиб борди. Улуғ Ватан уруши йилларидаёқ Даниэль Дефонинг «Робинзон Крузо» саргузашт-қиссасини ўзбек китобхонларига тақдим этган Йўлдош Шамшаров Л. Космодемьянскаянинг «Зоя ва Шура», С. Заречнаянинг «Лочин», С. Лоскутовнинг «Партизанлар», Г. Николаевнинг «Ўрим» асарларини ҳам таржима қилди.

Аднонинг бадиий таржима борасидаги меҳнатларини баҳолашда атоқли рус ёзувчиси, табиат мафтункори Иван Сергеевич Тургенев асарлари таржимаси устидаги меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбек китобхонлари буюк ёзувчининг «Рудин», «Дворянлар уяси», «Арафа» романлари, «Ася», «Биринчи муҳаббат», «Ортиқча одам кундаликлари», «Саҳро Султони» синтари қисса ва ҳикояларини унинг таржимасида ўқишди.

Бугун тугилган кунига етмиш беш йил тўлиши нишонланаётган Йўлдош Шамшаровнинг Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлганлиги ёзувчининг ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматларига берилган муносиб баҳодир.

Жамол ШАРОПОВ.

ТАЛАБИНГИЗГА БИНОАН УЧРАШУВ

ГЎЗАЛЛИККА БАХШИЙДА УМР

«Ҳурматли редакция!

Навбатдаги «Талабингизга биноан учрашув» рубрикаси остида берилаётган материалларингизнинг бирини талантли рассом Абдулҳақ Абдуллаев ҳаёти ва ижодига бағишлашингизни илтимос қиламан.

П. КАТТАБОЕВ.

Ленинскдаги Нодира номли мактабгача тарбия билим юртининг ўқитувчиси».

Бу санъат фидойиси ҳақида ўйлар экансан, атоқли адиб Асқад Мухторнинг қуйидаги сўзлари беихтиёр ёдингга тушади: «Абдулҳақ Абдуллаев галантининг ноёб жиҳатларидан бири ҳам шундаки, унинг портретларига ёқинлашганингда, аввало, тафаккур дунёсига рўбарў бўласиз, қаҳрамон қиёфасидан фикр барқ уриб туради».

Бу таърифга қўшилмай иложимиз йўқ. Бунинг учун рассом асарларини, жумладан, лоақал «Ер фарзандлари» деб аталган монументал полотносини кўздан кечирайлик. Картинада қўнғир тоғлар бағри, сўлим, мусаффо тонг тасвирланган. Бири кўк либос кийган, бири оқ яктакда, бири эса яктаги устидан елкаси узра тўн ташлаб олган уч мўйсафид марду майдон, уч баҳодир турибди. Улар худди уч донишманд каби куч, ғайрат-шижоат соҳиблари сифатида нечоғлик меҳр ва самимият билан талқин этилган. Абдулҳақ Абдуллаевга завқу шавқ, илҳом ато этган бу қаҳрамонлар кимлар? Бу қариялар республикамизда узоқ йиллар донг таратган, колхоз қурилишининг ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Назарали Ниёзов, Мамажон ота Тошматов ва Ризамат ота Мусамуҳаммедовлардир. Улар она ерга бўлган меҳру садоқатлари, заминга нисбатан эътиқодлари ва заҳматли меҳнатлари туфайли элда обрў-эътибор қозонишган. Инсон кутилмаган ҳаётий ҳодисалар, табиат хуружларидан ҳамиша ўз тадбиркорлиги ва маънавий камолоти билан устивор туради. Бу уч қаҳрамондаги ўйчан қиёфа, олисларга мағрур боқишлар, дадиллик орқали рассом инсон руҳияти, ундаги ғолиблик сифатини усталик билан ифодалаган.

Зеро, Абдулҳақ Абдуллаевдан нима учун тасвирий санъатнинг портретчилик жанрини танлагани, асосан шу соҳада ижод қилиши сабабини сўраганимизда: «Ҳаётда ўзим дуч келган гўзал одамлар қалбимда ўйготган завқ-шавқ сабаб бўлиб, мен инсонни образли тасвирлаш санъатига қўл урдим. Чеҳраси порлоқ, юксак истеъдодли одамларни ҳамиша кузатиб юришга интиламан. Умуман, инсонни ўрганувчи кишилар учун у ташф этилмаган фикрлар ва туйғуларга тўла бутун бир олам, кенг уммонлар», —дея жавоб берди у ўз иш услубига ҳам ишора қилар экан.

Абдулҳақ Абдуллаев 1918 йилда қадимий Туркистоннинг Иқон қишлоғида дунёга келди. 1926 йили ҳаёт тақозоси билан улар оиласи Тошкентга кўчиб келди. Кичик Абдулҳақ муаллим тоғаси Беглар Жунаев ёрдамида шаҳардаги Карл Либкнехт номидаги меҳнат мактаб-интернатига кириб, ўқий бошлайди. У ўқийдиган синфхона деворида В. И. Ленининг уч ёшлигидаги сурати осиғлиқ турар, Абдулҳақ эса сал бўш қолди дегунча унга қараб расм чизаверарди. Охири Ленин расмини акварелда ҳам ишлашга муваффақ бўлди. Синфдош ўртоқлари танаффус пайтларида қовлига чиқиб чуввос солиб футбол, волейбол ўйнашар ва бошқа машғулотлар билан шуғулланишарди. Абдулҳақ эса холироқ жой қидирар, ертўлаларга ҳам тушиб олиб, турли расмлар ишлаш билан банд бўларди. Хуллас, ўз дунёси билан ўзи яшарди.

«Мактаб-интернатда беш йил ўқиганимдан кейин Самарқанд рассомлик билим юртига киришга аҳду паймон қилдим, —дейди Абдулҳақ ака— Ҳали-ҳали ёдимда. Ўша ердаги дўкончадан машҳур кинорежиссёр Эйзенштейннинг фотоси туширишган открытка сотиб олиб, ўша фотодан бошқа қоғозга уч кун нусха кўчирдим. Ниҳоят, расмни билим юртига олиб борио кўрсатганимда: «Баракалла, яшавор-ей!» — дейишганди қабул комиссияси аъзолари бир оғиздан мени ўқишга қабул қилишар экан.

Шу-шу бўлди-ю, билим юртида машғулотлар қизғин бошланиб кетди. Абдулҳақ, айниқса, расм ўқитувчиси Павел Петрович Беньков ва Зинаида Михайловна Ковалевскаядан тасвирий санъат сир-асрорини ўрганиб олишга ҳаракат қилар, одамнинг ўзига қараб чизишга алоҳида эътибор берарди. Хатти-ҳаракати, қобилияти ва ибратли ахлоқ-одоби билан ўз тенгдошларининг гина эмас, балки юқори курс ўқувчиларининг ҳам ҳурматини қозонди. Иккинчи курсда таҳсил кўрар экан, унинг мойли бўёқда яратган «Ҳовуз олдида» пейзажи ўша 1934 йилда Ўзбекистон рассомларининг Москвадаги биринчи кўргазмасида намойиш қилинди ва «Творчество» журналида босилди. Айни пайтда шу пейзажи Ватанимиз пойтахтидаги Шарқ халқлари маданияти музейи экспонатлари қаторидан жой олди. Абдулҳақ ака 3-курсда ўқиётганида «Сигир соғиш» картинасини яратди. Шу асар учун ёш рассом Ватанимиз пойтахти — Москвага бориш имтиёзи билан мукофотланди. «Москвага боришим таржимаи ҳолимда ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлган эди, —дея эслайди ўша ҳаяжонли дамларни у. —Третьяков галереясини ҳузур қилиб, мириқиб томоша қилишим ҳаётимда унутилмас таассурот қолдирган»...

Рассомлик билим юртини битирган ёш мўйқалам соҳиби Тошкентга қайтиб, икки йил ижодий иш билан машғул бўлди. Бу давр ичида у «Укамнинг портрети» ва «Дўстимнинг портрети» устида ишлади. Айни чоғда худди шу иккита асари билан Москвадаги навбатдаги кўргазмада иштирок этди.

Абдулҳақ Абдуллаев 1938 йили Суриков номидаги Москва рассомчилик институтига ўқишга кирди. Кейинроқ Улуғ Ватан уруши бошланиб, у олий ўқув юртини битира олмади. Аммо институтда олиб ургурмаган билимларини қишлоқ меҳнат аҳли даврасида, колхозчилар орасида юриб олди. Негаки, А. Абдуллаев Тошкентга қайтгач, область партия комитети йўлланмаси билан Оққўрғон, Янгийўл, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Қорасув сингари район хўжаликларида қариб 200 га яқин портрет яратди. Оддий теримчи, колхозчи, бригадир каби меҳнат зарбдорларининг хилма-хил образлари портретчи рассомга илҳом манбаи бўлди. Мўйқалам соҳиби юқорида номлари қайд қилинган Оққўрғон, Янгийўл ва Оржоникидзе районларида ўз ижоди асосида портрет галереясини ташкил этди.

Шу тариқа СССР халқ артисти Аброр Хидоятовнинг Отелло ролидаги портрети, Назарали Ниёзов, Маннон Уйғур ва Ойбек портретлари (1946 йил) унинг дастлабки бадиий полотнолари бўлди. Айниқса, Аброр Хидоятов ва М. Уйғур портретлари унинг чинакам жиддий асарлари эди. «Маннон Уйғур портрети» Совет рассомларининг Чехословакиядаги кўргазмасида намойиш қилинди.

«Она портрети» ва «Академик ёзувчи Ойбек портрети»га разм солаверсанг, «Академик Елқин Тўрақулов» ва «Комил Яшин портрети»ни кўздан кечирасизми, хуллас рассомнинг қай бир асарини томоша қилманг, улар ўз жозибаси билан сизни сеҳрлаб қўяди. Ҳар бирининг такрорланмас сиймоси, нигоҳи сизни актив фаолиятга, яшаш учун актив фаолиятга, яшаш учун ва курашга чорлайди.

Шуниси эътиборга сазоворки, «Назарали Ниёзов портрети»га бахтли тақдир насиб этди. Назарали отанинг ўзи бирор марта ҳам чет элда бўлмаган. Аммо унинг қиёфаси олам кезди. Совет рассомларининг Ҳиндистондаги кўргазмасига мутасаддилик қилган мўйқалам соҳиби С. А. Чуйковдан: «Мазкур кўргазмада ўзбекистонлик рассомлардан кимлар қатнашди?» —деб сўраганларида, у П. П. Беньков ва Абдулҳақ Абдуллаев номини айтди. Шу билан бирга «Назарали Ниёзов портрети» Ҳиндистонда зўр муваффақият билан намойиш этилгани, мухлислар халқ образи тимсолини катта қизиқиш билан томоша қилишганини алоҳида уқтирди.

Абдулҳақ ака фақат рассомгина эмас, балки ана шу нафис, одамларни гўзаллик оламидан баҳраманд этувчи санъатнинг яхшигина таргиботчиси ҳамдир. Уни ҳали Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ва Республика Фанлар академияси тил ва адабиёт институтида, ҳали олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ёки газета-журнал редакцияларида мутахассислар, талабалар, шунингдек, ёш ижодкорлар даврасида учратиш мумкин. Жамоатчилик ўртасида позиктаъб нотик сифатида ҳамма танилган бу ўз касбининг фидойисини файласуф В. А. Разумний, ёзувчи Саид Аҳмад публицист деб атаганлари ҳам бежиз эмас.

Абдулҳақ Абдуллаевнинг Ҳиндистонга қилган саёҳатлари натижасида бунёдга келган ажойиб, улкан архитектура ёдгорлиги Тожмаҳалга бағишланган этюдлар аллақачон Третьяков галереяси олтин фондидав ўрин олган. «Жияним Шаҳло портрети», шунингдек «Лола» ва «Бахри» асарлари, рассом фаолиятида ижодий кўтарилиш, парвоз ролини ўтаган «Сомбрередаги автопортрет».. Бу рўйхатни яна истаганча давом эттириш мумкин. Гап шундаки, мусаввир ҳаёт, табиат ва одамларга бўлган муносабатини ана шу асарлари орқали турли йўналишда, такрорланмас образлар, ранглар ёрдамида акс эттирган. У яратган образларни бир қарашда дарҳол ажратиб олиш қийин. Аммо у ёки бу расмга синчиклаб разм солинса, нимадир топгандек бўлиб, каршисидан кетолмай қоласан, киши. Биринчи қарашда кўз илгамаган, сезилмаган ранглар орасидан ажиб нур пайдо бўлади. Расмлар туйғуларингизга таъсир этиб, сизни маънавий бойитади.

«Портрет санъати инсонни билиш ва маънавий етукликка эришишнинг воситаси сифатида ҳамиша мафтункор кучга эга бўлиб қолаверади», —дейди рассом.

Рассом ҳамиша изланишда. Бирор кун, бирор соат йўқки, у ўйламасин ёки навбатдаги яратилажак асарнинг қораламасини тайёрламасин.

—Умуман, ҳали битмаган ишларинг ҳақида гапириш анча мушкул. Давримиз кишиларининг орзу-ўйлари, интилишлари мени қайратлантиради. Юксак иродали, матонатли, ёркин эътиқодли, бирон бир олий мақсадга интилиб яшаётган кишиларнинг портретини яратгим келади, —дейди Абдулҳақ ака. — Улуғ мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий портрети устида ўн беш йилдан бери ишлаяпман. Лекин ҳанузгача яратган портретимдан кўнглим тўлди, деёлмайман. Бу соҳадаги ишимни такомиллаштириб, улуғ зот портретини янада маромига етказмагунимча кўнглим жойига тушмайди.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Абдулҳақ Абдуллаев ҳақидаги ҳикоямизни бундан саккиз йил муқаддам Москвада унинг шахсий кўргазмаси намойиш этилаётган кунлардан бири. Москвалик санъатшунос Белла Елизарова рассомга қўнғироқ қилди. «Барча портретларингизда умуминсонийлик белгилари мавжуд, — деди у.— Она — барча кишилар, барча планета онаси. Уч паҳлавон — улар бутун ер юзида, барча мамлакатларнинг бурчак-бурчакларида туришибди. Москва ва Ленинградда ҳам туришибди. «Отелло» спектаклида Отелло ролини ижро этиши лозим бўлган бир актёрга. «Сиз бориб кўргазмани кўринг, Отелло ролини қандай ўйнаш кераклиги ҳақида муайян бир қарорга келасиз», —дедим».

Замондошларимизнинг бетакрор образларини яратиш борасида янги-янги орзуларини рўёбга чиқариш учун тинмай изланаётган хассос рассом, талабчан, меҳрибон устоз Абдулҳақ Абдуллаевга янги ижодий парвоз тилаймиз.

Музаффар ТУРОБОВ.

Суратда: Абдулҳақ Абдуллаев ўз ижодхонасида.

Т. Одилбеков фотоси.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМЛАРИ

ТИЛГИНАМ

Ширин сўзлаб бегонани оғиш қилган тилгинам,
Аччиқ сўзлаб дўстларимдан жудо қилган тилгинам.

Ҳушомадни қойил қилиб ё мақтовни дўндириб,
Сир бой бермас одамларни шайдо қилган тилгинам.

Баъзан гапни топиб айтмай ё сўз айтиб ноўрин,
Раҳна солиб, битган ишни расво қилган тилгинам.

Сўз гавҳарин теріб баъзан суҳбатларни гуллатиб,
Мухлисларим ичра мени доно қилган тилгинам.

Баъзан оз-оз ичиб қўйсам, нафс қурғурни тиёлмай,
Хунук сўзлаб, сир фош этиб хато қилган тилгинам.

Доноларнинг даврасида тинглаганда ҳикматлар,
Аҳл ортиб, сўзларни сермаъно қилган тилгинам.

Кўпроқ тийил, озроқ гапир — қулоқ икки, оғиз бир,
Айтай шунда ўзгинамга вафо қилган тилгинам.

Турсунбой МАҲМУДОВ,

Фарғона область «Коммуна» газетасининг ходими.

ТУЗОҚҚА ТУШДИ

ҲОДИСА

Сўнгги пайтларда Қўқон шаҳрининг шундоқ ёнгинасидаги Энгельс номли колхознинг баъзи қишлоқларида «Фалончининг қўйини оёри ео кетноди..» қаолидаги гаплар тез-тез антиладиган оулиб қолганди.

Яқинда Ленинград районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, ёнидмалик М. Мўминов чиндан ҳам оўрилар «ов» панида кечалари изғишининг гувоҳи бўлди. Тунларнинг бирида унинг бир қўйини бўрилар еб кетганди.

«Шошма тур, сенимми?!» деб кўнглига тугиб қўйди ўшанда қўйига ачиниган Мухаммаджон. У қўйхона яқинига (бўриларнинг ўтиши тахмин қилинган жойларга) қопқонлар қўйиб, кечаси иртқичнинг келишини пойлади. Тун яримга борганда ҳовлига катта-кичик икки бури кириб келди. Улар қўнхона томон шитоб билан борастиб, қопқонларга илинио қолишди.

...Бўриларнинг терилари шилиниб, давлат таиёрлов идорасига топширилди. Колхоз правлениеси ва партия комитети тадбиркор педагог ва овчи М. Мўминовга миннатдорчилик оилдирди.

А. МИРСАИДОВ.

Шунақаси ҳам бўлади

«ЎҒРИ» МУШУКЛАР

Чордоққа олма ёйиб қўйгандим. Аммо уларнинг сони кундан-кунга камайиб оорарди. Чордоққа мендан соққа ҳеч ким чиқмасди. Таажжубландим. Ким олиши мумкин?

Кундаларн бирида нарвондан кўтарилишим билан олмалар устида ўтирган бир жуфт мушукка кўзим тушиб қолди. Нима қиларкин, деб бир неча сония кузатиб турдим. Мушуклар олмаларни у ёқ-бу ёққа ағдариб, ўзларига ёққанини бир четга ажратишди. Сўнг олмаларни юмалатиб, томдан туширишди. Ортидан ўзлари ҳам тушишди.

Мушукларни кузатишда давом этдим. Улар ўз «ўлжа»ларини бебозорга тиштлаб, ҳовли этагига қараб юришди. Ортидан борио қарасам, «ўғри» мушуклар 2 килограммгача олманн ўз ниларига тўплаб қўйишган экан. Ҳозиргина келтирган олмаларни эса уларнинг болалари у ёқдан-бўёққа юмалатиб ўйнашарди.

И. НИШОНОВ,

Тўрақўрғон райони.

БУ ҚИЗИҚ

СТАДИОНДА... ФИЛ

Вьетнамнинг Нгетинь вилоятидги бир қишлоқ болаларн қизғин футбол ўйнаётган пайтда стадионга... фил югуриб чиқиб қолди. Бу уларни саросимага солиб қўйди.

Чакалакзорлар ҳокими, деб ёзади Вьетнам газеталари ,қараб ўтирмасдан тўпни эгаллаб олди ва кучли зарб билан уни дарвозага тушиирди.

Баҳайбат жониворнинг бу ҳатти-ҳаракати уни ҳайдаб юрувчининг изоҳидан кейин аён бўлди. Унинг айтишича, фил ўрмон ишларида қатнашади. «меҳнат куни» тугаши билан у футбол майдонида тўп ўйнашни истаб қолибди.

(ТАСС).

СПОРТ

КЛАССИК КУРАШ

КОМИЛНИНГ МАҲОРАТИ

Спортнинг классик кураш тури бўйича Украина спорт комитети соврини учун ўтказилган халқаро турнир поёнига етди. Бунда СССР, Болгария, Польша ва Финляндиядан 150 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Турнирнинг биринчи куниданоқ ҳар бир вазн категориясида ғолиблик учун муросасиз кураш борди. Шунисси характерлики, ғилам беллашувлари давомида ёшлар тажрибали спортчилар билан тенгма-тенг баҳс юритиш учун бор маҳоратларини ишга солишди. Чунончи, икки бор олимпиада чемпиони киевлик А. Колчинский совриндорлар сафидан жой ололмай қолди.

Пахтакор ўлкамизнинг иқтидорли курашчиси Комил Фатҳуллин халқаро турнирда республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У барча учрашувларни юксак савияда ўтказиб, финалда ҳам ажойиб ғалабага эришди. Натижада Комил ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан ўрин эгаллаб, ўз вазни бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Бошқа вазнлар бўйича минсклик М. Прокудин, А. Дубровский, қуйбишевлик А. Гурьянов, новочеркассклик С. Дюдяев, киевлик А. Таинкин, гомеллик А. Казовский кутансилик Т. Абхазава, гроднолик А. Федоренко ва бокулик А. Майсурадзелар ғолиб чиқишди.

ОҒИР АТЛЕТИКА

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

СССР кубоги учун ва мамлакат чемпионатининг айрим машқларида бўлган мусобақа олти кун давом этди.

Турнирда кўплаб номдор оғир атлетикачилар иштирок этишмаган бўлса-да ёшлар юксак натижаларни кўрсата олишди. Маълумки, мусобақанинг биринчи куни республикамиз вакили В. Богуцкий яхши иштирок этиб, тўртинчи ўринни эгаллаган эди.

Айниқса, сўнгги куни оғир вазндаги полвонлар чиқишида юксак натижалар кўрсатилди. Чунончи, минсклик олимпиада чемпиони Леонид Тараненко ўзини кўрсатиб, икки жаҳон рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Юз килограммгача бўлган полвонлар беллашувида республикамиз вакили Л. Плохой ўнинчи натижани кўрсатди. 110 килограммгача бўлган вазндаги оғир атлетикачилар қатнашувида эса учинчи бир спортчимиз В. Сирпов тўққизинчи ўринни эгаллади.

Умумкоманда ҳисобида ғолиб чиққан РСФСР-1 командаси биллур соврин — СССР кубогининг соҳиби бўлди. Ўзбекистон терма командаси ўн биринчи ўринни банд этди. Эслатиб ўтамиз, кубок учун бўлган мусобакада ҳаммаси бўлиб ўн тўққиз команда қатнашди.

Редактор ўринбосари

Н. ЕҚУБОВ.

«КИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р-07570.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000. ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93. 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими —32-54-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35. 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиш бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими —32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 32-54-52. 32-56-39. Таржима бўлимлари 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими —32-54-52. Иллюстрация бўлими —32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери —32-78-94 Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси —33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А—1194.